

68-1.1
Д-46

ЎЗБЕКИСТОН ССР
СЎЁСЎИ ВА ИЛМИЙ-БИЛИМЛАР
ТАРҚАТУВИН ҶАМИАТИ

Г. А. ДИЛЕВСКИЙ

ХАВАСКОР
БОҒБОНЛАРГА
МАСЛАҲАТЛАР



ЎЗБЕКИСТОН ССР СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ
БИЛИМЛАР ТАРҚАТУВЧИ ЖАМИЯТИ


Г. А. ДИЛЕВСКИЙ

634.1

Д-46

1194050/3

ҲАВАСҚОР
БОҒБОНЛАРГА
МАСЛАҲАТЛАР



«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока»
ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти
Тошкент — 1958

К И Р И Ш

Шаҳар ва қишлоқларда яшовчи ҳар бир киши ўз ҳовлисида тўрт-беш туп мева дарахти ўстиргиси келади. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг серқуёш иқлими дунёдаги ширин-шакар меваларнинг ҳар бир туридан ўстириш имконини беради.

Ҳар қандай мева таркибида одам ҳаёти учун жуда муҳим бўлган қанд, кислота, жир, оқсил, витамин, минерал тузлар ва бошқа моддалар бор.

Мевалар янгилик вақтида ейилишидан ташқари, бундан қоқи, мураббо, компот, консерва, мармелад, повидло ва ҳоказолар тайёрланади.

Ҳовлига мевали дарахт, ток экиш билан ҳар бир оила унинг мевасидан йил бўйи баҳраманд бўлишидан ташқари, ёзнинг жазирама иссиқларидан сақланади, дарахт ва тоқларнинг оромбахш соясида ҳузур қилиб дам олади.

МЕВА ДАРАХТЛАРИ, РЕЗАВОР МЕВА ВА УЗУМ НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ

Боғдаги мева дарахтларининг узоқ яшаши ва ҳосилдор бўлиши учун дарахт навларини яхши танлаш керак. Галла ва сабзавот экинларини экишда уларнинг яроқсиз навларини яхши навлари билан алмаштириш жуда осон, бироқ боғдорчиликда буни қилиш жуда қийин. Мева дарахти навини танлашда йўл қўйилган хатонн бир неча йилдан кейингина аниқлаш мумкин.

Ўзбекистонда илғор агротехника асосида парвариш қилинган ҳар бир олма тупидан 600—800 кг дан, мўл ҳосил берадиган айрим дарахтлардан эса 2000 кг га етказиб ҳосил олинади.

МЕВА ДАРАХТЛАРИНИНГ НАВЛАРИ

Олма ва нок пишиш ва истеъмол қилиниш вақтига қараб ёзги, кузги ва қишки навларга ажратилади.

Ёзги навлар июнь ойининг ўрталарига бориб пишадди. Мевалари пишган вақтда дарахтнинг ўзидаёқ рангга киради, мазали бўлади, шунинг учун уни узган заҳоти ейиш мумкин. Ёзги олма ва нокни 7—15 кун сақлаш мумкин.

Кузги навлар августда пишиб, узгандан кейин 15—30 кун ўтгач истеъмол қилинади. Баъзи навларининг ҳосилини январь ойигача сақлаш мумкин.

Қишки навлар сентябрь ойидан пиша бошлаб, бир ойдан кейин еса бўлади. Баъзи бир хил навларнинг ҳосили (Ренет Симиренко, Розмарин) келгуси йил ҳосилигача сақланади.

Олма. Олманинг ҳосилга кириш муддати навига ва пайвандтагга боғлиқ. Масалан, ёввойи олмага пайванд қилинган Ренет Симиренко экилгандан кейин бешинчи йили. Розмарин еттинчи-тўққизинчи йили, Кандиль-Синап ўн биринчи йили ҳосилга киради.

Эрта пишар олма навлари: Первенец Самарканда, Белый налив, Персиковое летнее, Ренет ташкентский, Астраханское красное (қизил астрахан олмаси), Раннее винное, Боровинка ташкентская, Самаркандское раннее (эртаги Самарқанд олмаси) Графенштейнское красное, Жиззах олмаси.

Кузги навлар: Парменз зимний золотой, Ренет ландсбергский.

Қишки навлар: Кандиль-синап, Олмаота апорт олмаси, Бельфлер. Золотое граймо, Ренет орлеанский, Мантуранер, Розмарин, Ренет Симиренко, Веинсеп.

Нок. Мевалари ейилишидан ташқари, ундан қоқи, шунингдек цўкат (устига шакар сепилган мева) ва мурabbo тайёрланади.

Эртаги нок навлари: Сахарная, Любимица Клаппа, Ранняя из Треву, Бере Жиффер.

Кузги нок навлари. Лесная красавица, Вильямс, Бере Лигеля. Бере Боск.

Қишки навлари: Оливье де Сеер, Жозефина Михельнская, Кюре, Шаҳрисабз увази, Куляля, Бере-Рояль, Тошкент ноки, Бере-Арданпон, Сен-Жермен, Ношвати.

Урик. Урикнинг катта камчилиги шундаки, у эрта

гуллайди, натижада унинг гулларини кўпинча баҳорги совуқлар уриб кетади, бу эса ҳосилни бутунлай йўққа чиқаради.

Ҳосилнинг кўпчилик қисми қуритилиб, қимматбаҳоли баргак ва туршак қилинади. Шунингдек ўрикдан мураббо ва повидло пиширилади.

Эрта пишар ва ўрта пишар ўрик навлари: Ахрорн, Арзами, Моҳтоби, Эффе́кт, Новий, Оқ пайванди, Руҳи жувонон, Оқ нуқул, Қизил пайванди.

Кеч пишар ўрик навлари: Хурмойи, Қўрсодиқ, Оранжевий поздний, Исфарақ, Мирсанжали, Субхони, Юбилейний Навойи, Самаркандский поздний.

Шафтоли. Шафтоли дарахти экилганидан кейин иккинчи-учинчи йили ҳосилга киради. Шафтоли одатда олма, нок ва ўрик қатор ораларига экилади. Республиканинг шимолий районларида шафтолини кўпинча қишқи совуқлар уриб кетади. Меваси ҳўллигида истеъмол қилинишидан ташқари ундан қоқи, мураббо ва бошқа маҳсулотлар ҳам тайёрланади.

Эрта пишар шафтоли навлари: Майфлевар, Александр ранний, Амсен, Кўмберланд, Арп Бьюти.

Ўрта пишар навлар: Анжир шафтоли, Ветеран, Золотой юбилей, Зарғалдоқ ва луччак шафтоли, Малиновий лола.

Кеч пишар навлар: Эльберта, Оқ шафтоли № 2, Фарҳод, Сальвей.

Олхўри. Олхўри экилганидан кейин тўртинчи-бешинчи йили ҳосилга киради. Кам сугорилса мевалари майда бўлиб қолади ва кўп тўкилади.

Олхўри ер ости суви юза (70—80 см) жойлашган тупроқларда ҳам ўсаверади. Мевалари ҳўллигида ейилади, шунингдек ундан мураббо ва повидло тайёрланади.

Эрта пишар олхўри навлари: Кўксултон, Ранняя синяя.

Ўрта пишар навлар: Венгерка ажанская, Венгерка фиолетовая, исполинская, Бертон, кўк Ренклод, Яичная желтая.

Кеч пишар навлари: Анна шпет, Қарши олхўриси.

Олча. Олча ўтқазилгандан кейин учинчи йили ҳосилга киради. Олча навлари: Майдюк, Английская ран-

няя, Самарқанд олчаси, Подбельская, Шпанка черная, Честь Губина.

Гилос. Гилос экилганидан кейин тўртинчи йили ҳосилга киради. Гилос олчага қараганда тупроқ-иқлим шароитларига, сувга анча талабчан.

Гилос навлари: Саври сурхони (апрельская), Қора гилос, Рамон — Олива, Наполеон розовий, франсис, Сарик гилос, Бигарро Гроля, Воловье сердце.

Беҳи. Беҳи экилганидан кейин тўртинчи-бешинчи йили ҳосилга киради. Беҳининг патак илдизи юза жойлашганидан кўп сув талаб қилади. Қум аралаш тупроқли ерларда яхши ўсади. Сув камчил бўлса, мевалари майдалашиб кетади, сифати ёмонлашади.

Беҳи навлари: Ширин, Нордон. Қува беҳиси, Туруш, Самарқанд беҳиси, Хоразм ноксимон беҳиси, Хоразм олмасимон беҳиси, Изобильная, Нонбеҳи, Бухоро туриш беҳиси.

ТОМОРҚА

Томорқада тураржой, хўжалик бинолари, гулзор, тоқзор, мева боғи, полиз ва бошқалар бўлади. Томорқа бинолари кўпинча участка ўртасида ёки бир чеккасида бўлади. Бино олдида бута ва гуллардан кўкат деворлар қилинади.

Томорқа уч хил бўлади:


биринчи хилда — тураржой, уй олди боғчаси, ҳовли, супа, пулзор, ҳовуз, қудуқ, йўлак, қўрғон ичига экилган мевалар бўлади;

иккинчи хилда — хўжалик бинолари, айвонча, усти очиқ молхона, паррандахона, ўчоқ, тандир ва бошқалар бўлади;

учинчи хилда — мева дарахтлари, тоқ, полиз, томорқа ерининг атрофидаги деворлар ёки бута ва дарахтлар бўлади.

Уй кўпинча томорқанинг ўртасида ёки бир четига жойлашади. Уй олдида кичкина боғча барпо қилинади. Бу боғчага мева кўчалари, бута ўсимликлари ёки рангбаранг гуллар экилади. Томорқа атрофини чиройли қилиб тўсилади, шунга яраша дарвоза қурилади, боғчадан уйга бориладиган йўлга шағал тўкилади, уйнинг олд томонига турли нақш солинади. Буларнинг ҳаммаси жойининг

ҳуснига ҳусн қўшади. Пахса деворлар ўрнига тут, лигуст-
рум ва бошқа хил бута дарахтлардан кўкат-девор қили-
нади. Томорқанинг кўча атрафига ёғоч ёки темирдан чи-
ройли қилиб панжара қилинади ёки буталардан ихота



- - 3 туп олма, 1 туп нок,
1 туп ўрик, 1 туп гилос;
- ⊙ - 1 туп олча, 1 туп беҳи.
- ⊗ - 2 туп олхўри.
- × - 4 туп шафтоли.
- ✠ - ток.
- ... - қулулнайзор.
- - малина.

1-расм. Ҳовли-боғ участканинг
1-схемаси


дарахт ўтқазилади. Мева дарахтлари томорқа бўйлаб
бир қатор қилиб ёки алоҳида ажратилган ерга экилади.

Боғдаги мевали дарахтларнинг ораси. Боғ қилишда
дарахтлар зич ўтқазилса, уларнинг шох-шаббалари бир-
бири билан чалкашиб ҳосилнинг камайишига, мева сифа-
тининг пасайишига ва ҳатто дарахтнинг батамом қуриб
қолишига сабаб бўлади. Дарахтлар жуда сийрак экилса
яхши ўсади, лекин уларнинг сони камаяди.

Мева дарахтларини томорқага экишда уларнинг ораси

қуйидагича қилинади: ўрик ва олма 8×6 м ёки 6×6 м; нок ва гилос 6×5 м ёки 7×6 м; олча ва шафтоли 4×3 ; олхўри 5×4 м; бодом ва анжир 5×3 м; анор 3×3 м.

Боғдаги кеч ҳосилга кирадиган дарахт қатор ораларига тез ҳосилга кирадиган кўчатлар экилади. Олма, нок



- - 3 туп олма, 1 туп нок,
1 туп гилос, 1 туп ўрик;
- ⊗ - 1 туп олхўри, 2 туп олча;
- X - 10 туп шафтоли;
- - қўлулнай;
- ⌘ - ток.

2-расм. Ҳовли — боғ участкасининг
2-схемаси

ва ўрик кўчатлари экилтанидан сўнг бир неча йилгача шох-шаббалари билан ўзларига ажратилган ерни қоплай олмайди. Шунинг учун уларнинг қатор ораларига тез ҳосилга кирадиган, паст бўйли масалан, шафтоли каби мева дарахтлари экилади. Шафтоли тезгина ҳосилга киради, шохлари олма ёки ўрикникига қараганда икки баравар кичик бўлади ва 10—12 йилдан сўнг қурий бошлайди. Бу вақтгача асосий дарахтлар баланд ўсиб ҳосилга киради. Шафтолини эса кўндалов қилиб ташланади. Асосий дарахт қатор ораларига парадизкага пайванд қилинган олма, беҳига пайванд қилинган нок ёки олча, олхўри,

анор каби баланд ўсмайдиган дархтларни ўтқозиш ҳам мумкин.



Асосий мева дарахтларининг қатор ораларига экилган қисқа умрли дарахтлар уларни совуқ уришдан қисман сақлайди.

МЕВА БОҒИ

Мева боғи барпо қилиш. Боғ қилишда олма, нок, беҳи дарахтларининг бир-икки йиллик, данакли мева дарахтларининг эса бир йиллик кўчатлари экилади. Мева дарахтидан тезроқ ҳосил олиш мақсадида кўпчилик ҳаваскор боғбонлар каттароқ (тўрт йиллик ва ундан ҳам катта) кўчатларни ўтқазадилар. Лекин бу ерда шуни унутмаслик керакки, каттароқ мева кўчатларини ўтқазишда, одатда унинг илдизлари шикастланади, натижада бундай дарахт касалланади ва кўпинча қуриб қолади.

Каттароқ кўчатларни илдизига ёпишган тупроғи билан ўтқазиш керак. Бундай қилганда улар тез тутиб, яхши ўсиб кетади.

Кўчатларнинг сифати. Доимо яхши сифатли кўчатларнигина экиш керак. Кўчатларнинг илдизи уч-тўрт шохли бўлиши керак, бу шохларнинг узунлиги камида 35 см, атрофи эса майда патак илдизчалар билан қопланган бўлиши лозим. Илдизининг ҳеч бир ери зарарланмаган бўлиши керак. Кўчатнинг танаси тўғри, бақувват, 2—2,5 см йўғонликда бўлиши лозим. Дарахтнинг шох-шаббалари тўрт-беш асосий новдага эга бўлиши шарт. Ён шохчаларининг узунлиги 50—60 см, бош новдаси эса тўғри ва бошқа новдалардан 20 см узун бўлиши керак. Шохлари синган ва зарарланган кўчатларни экиш ярамайди.



1-уй, 2-гурархона;
3-ўтинхона;
4-ҳабли;
5-токзор;
6-садзавот;
7-боғ.

3-расм. Ҳар хил схемадаги боғлар.

Кўчатларни кўчатзордан олиб кетишда, илдизи шамолламаслиги ва шикастланмаслиги учун илдиз похол ёки қоп билан ўралиши керак. Баҳорда ўтқазиладиган кўчатларни қишда томорқада кўмиб сақлаш лозим. Кўчатларни кўмиш учун 50 см чуқурликда ариқча қазилди. Кўчатлар шу ариқча қатор қилиб териб чиқилди; уларни илдизи устига нам тупроқ ташланади, сўнгра кўчат танасининг учдан бир қисмигача тупроққа кўмиб қўйилади.

Ҳар бир кўчат нави алоҳида-алоҳида кўмилади.

Кўчатларни экишга тайёрлаш. Кўчатлар экишга махсус тайёрланган бўлиши керак. Уларни очиш вақтида ва томорқага ташиб келтиришда айрим кўчатларнинг илдизлари зарарланган, узилган ва эзилган бўлиши мумкин. Бу хил илдизлар тупроқда чириб кетиши мумкин. Бундай илдизларнинг зарарланган жойи ўткир пичоқ билан кесилади. Агар кўчатлар кузда қазиб олиниб, бутун қиш бўйи кўмилганича ётса, уларни яна қайтадан кесиш ярамайди. Агар илдизларнинг учи чириган бўлса, уларни соғ жойигача кесиб ташлаб, патак илдизлари ҳамда илдиз кесигида пайдо бўлган ғуддалар сақлаб қолинади.

Чуқур қазиш. Ҳар бир кўчат ўтқазиладиган жойга чуқурлиги 60—70 см ва кенглиги 80—100 см дан қилиб чуқурлар қазилади. Чуқур қазишда тупроқнинг устки қавати бир томонга, остки қавати иккинчи томонга ташланади.

Агар боғ ери шағал тупроқли бўлса, чуқурларнинг кенглиги 1,5 м ва чуқурлиги 70 см қилинади. Бундан ташқари чуқурдан қазиб чиқарилган шағалга, камида 50% тупроқ қўшилади. Агар бунинг иложи бўлмаса 15—20 кг чиринди қўшилади.

Экиш муддати. Мева дарахтларини кузда ва баҳорда экиш мумкин. Фақат шафтолини кузда экишга маслаҳат берилмайди. Чунки айрим районларда уни қишда совуқ уриб кетади.

Кўчатлар кузда хазон-резгидан кейин ўтқазила бошланади. Кузда кунлар узоқ вақтгача иссиқ бўлиб турса, илдизларнинг кесилган жойларидаги яралар битиб, ғуддалар пайдо бўлади, натижада дарахтлар эрта баҳордан бошлаб яхши ўса бошлайди.

Мева кўчатларини баҳорда ерлар селгий бошлаши

биланоқ экишга киришиб 20—25 мартгача, анор ва анжирни эса 5 апрелгача экиб тамомлаш керак. Кеч экилган кўчатларнинг кўпчилиги тутмай қолади.


Кўчатларни ўтказиш. Кўчат ўтқазишда кўчат илдизларининг қуриб қолишига йўл қўймаслик керак. Экинн жойига келтирилган кўчатлар дарҳол ўтқазилиши ёки илдизлари ҳўл латта, қоп билан ўраб қўйилиши лозим.

Мева кўчатларини икки киши экади: улардан бири кўчатни ушлаб туради, иккинчиси илдизларини кўмади. Кўчат конус шаклида солинган тупроқ устига илдизларини ҳар томонга ёйиб ўтқазилади. Бунда илдизларнинг юқорига қайрилиб қолишига йўл қўймаслик керак. Баъзан чуқурни кўмиш учун ернинг устки унумдор қаватидаги тупроқ етмай қолиши мумкин. Бундай вақтда тупроқни атрофдаги ернинг устки қаватидан ёки қатор ораларидан олиб солинади. Энг охирида чуқурга ернинг остки қаватидан олинган тупроқ солинади.

Мева кўчатлари кўчатзорда қандай чуқурликда ўсган бўлса, шундай чуқурликда экилади. Кўчатлар жуда чуқур ўтқазилса, дарахт секин ўсиб, ҳосилга кеч киради ва кам яшайди. Кўчатлар юза ўтқазилса, илдизлари очилиб қолиб кўчат нобуд бўлиши мумкин.

Суғоргандан кейин чуқурдаги тупроқ ва тупроқ билан бирга кўчат анча ўтиришади. Натижада илдиз бўғзи янада пастроқ тушади. Шунинг учун кўчатни илдиз бўғзи ер юзасидан сал баландроқ турадиган қилиб экиш керак.

Илдиз ораларига тупроқ бир текисда кириши учун кўчатни экиш вақтида уни аста-секин силкитилади. Чуқурнинг тўртдан уч қисми тупроқ билан тўлғазилгандан сўнг оёқ билан сал-пал босиб қўйилади.



4-расм. Дарахт ўтқазиш.

Тупроқ босилмаса, унинг ораларида бўшлиқ ҳосил бўлиб, илдиэларнинг моғорлашига сабаб бўлади. Сўнгра дарахт айланасига 100—120 см кенглигида тўгарақ чуқурча қилинади.

Кўчатни ўтқазиб бўлгандан сўнг, тупроқнинг нам ёки қуруқ бўлишидан қатъи назар, унинг чуқурчасига икки-уч челақ сув қўйилади. Сув чуқурчанинг ҳамма ерига барабар таралиши учун икки-уч бўлиб қўйилади. Натижада тупроқ ва дарахт илдиэлари чўкади. Ўтқазилган кўчат таги 8—10 см қалинликда гўнг, чиринди, хазон ёки қипиқ билан ёпиб қўйилса кўчат теvaraги тез қуриб қолмайди. Кўчатларни суғориш учун чуқурча айланасидан 50—60 см узоқликда чуқурлиги 18—20 см келадиган ариқча қазилади.

Ўтқазилган кўчатларнинг шох-шаббаларини кесиш. Кўчат экилгандан кейин шох-шаббаларининг тахминан иккидан бир ёки учдан бир қисми кесиб ташланади. Акс ҳолда барча шох-шаббалар барг ёзиб, сувни кўп миқдорда буғлантириб юборади. Ҳолбуки зарарланган илдиэлар зарур миқдордаги сувни отказиб бера олмайди.

Кўчатлар баҳорда ўтқазиладиган бўлса шох-шаббалари ўша заҳоти, кузда ўтқазилса — баҳорда кесилади.

ЕШ ДАРАХТЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Еш дарахтларни яхшилаб парвариш қилиш керак. Мева дарахтлари тўғри парвариш қилингандагина яхши ўсади ва мўл ҳосил қилади.

Ўтқазилган бир-икки йиллик кўчатларнинг қатор оралари (ўсиб кетгунча) бўш қолганлигидан у ерларга сабзавот-полиэ, дуккакли дон экинлари ва беда экилади.

Дарахт ости тўгараги кузда хазон-резгидан кейин юмшатилади. Олма ва нокнинг ости 20—25 см чуқурликда, олча ва беҳи дарахтларининг ости 18—20 см чуқурликда юмшатилади.

Баҳорда дарахт ости тўгарагидаги тупроқ ағдармасдан юмшатилади, йирик кесаклар майдаланади, текисланади ва уни ер сатҳидан сал баландроқ қилинади. Ёз бўйи дарахт ости тўгараги уч-тўрт марта 8—10 см чуқурликда юмшатилади.

Ўғитлаш. Мева дарахтларининг яхши ўсиши ва мўл ҳосил бериши учун уларни ўғитлаб туриш керак.

Ўғитлар икки хил — органик ва минерал бўладилар. Органик ўғитларга гўнг, компост, халажой ахлати ва парранда ахлати кирadi. Мана шу ўғитларни кўп ишлатиш керак.

Дарахт ости тўғарагининг ҳар квадрат метрига 4 кг дан органик ўғит солинади, органик ўғит етишмаган тақдирда баҳорда минерал ўғит — 100—200 г дан аммиак селитра ва кузда шу миқдорда суперфосфат солинади. Органик ва минерал ўғитлар бирга қўшиб солинганда, уларнинг миқдорини икки барабар камайтиради.

Дарахт каттарoқ бўлган сари, ўғит ҳам дарахт ости тўғарагининг кенгайишига қараб кўпроқ солинади.

1-жадвал

Ҳар бир дарахт ости тўғарагига солинадиган ўғит нормаси

Дарахт ости тўғарагининг кенлиги (диаметри), метр ҳисобида	Дарахт ости тўғарагининг сатҳи, квадрат метр ҳисобида	Гўнг, килограмм ҳисобида	Парранда ахлати, килограмм ҳисобида	Ҳоҷатхона ахлати, чesак ҳисобида	Аммиак селитра, грамм ҳисобида	Суперфосфат, грамм ҳисобида
2	3	12—15	0,5	1	100—200	100—200
3	7	30—35	1—1,5	2	250—500	250—500
4	12	50—60	1,5—2,5	3	400—900	400—900
5	19	80—90	2,0—3,5	4	600—1400	600—1400

Боғ қатор ораларига экин экилмаган бўлса гўнг, компост, парранда ахлати дарахт ости тўғарагига солинади ва тупроқ билан аралаштиради. Ўғитларни тупроқ бегида аралашмаган ҳолда қолдириш ярамайди, чунки бунда улар сифатини тезда йўқотиб қўяди.

Аммиак селитра икки марта — эрта кўкламда ва июль ойида эгатларга тупроқни юмшатиш олдидан солинади.

Суперфосфат бир марта, ер кузда чуқур қилиб ағдариб чопилган вақтда солинади.

Бир стакандаги аммиак селитра ёки суперфосфатнинг оғирлиги тахминан 150 г келади.

Мева дарахтларини органик ўғит шарбати билан ўғитлашнинг катта аҳамияти бор. Бунинг учун гўнг шарбатига 2—3 марта, мол сийдигига 5 марта, халажой ахлатига 8 марта ва парранда ахлатига 10—12 марта кўп сув аралаштириб дарахт остига: эгатнинг ҳар 2—3 метр жо-

йига бир челақдан қўйилади. Ўғит эритмаси қўйилгандан сўнг ариқчалар кўмиб юборилади.

Ўғит эрта баҳорда, май ва июнь ойларида берилади, ўғит бу муддатдан кечикиб берилса дарахтларнинг ўсиши узоққа чўзилиб, уларни қишда совуқ уриб кетиши мумкин.

Суғориш. Районнинг иқлим шароитларига, тупроқ сифатига ва ер ости сувларининг жойланиш чуқурлигига қараб ёш боғ ёз давомида 8—12 марта, шағал тупроқли ерларда 16 мартагача суғорилади. Мева дарахтлари апрель ойида бир марта, май ойида икки марта, июнь ойида икки марта, июль ойида уч марта, август ойида уч марта ва сентябрь ойида бир марта суғорилади. Дарахт ости тўгараги атрофига гир айлана қилиб қазилган ариқчалардан ва дарахт ораларидаги ариқлардан суғорилади.

Суғоришни сентябрь ойининг бошларида тўхтатиш керак. Суғориш бундан кечикиб кетса, дарахт ўсишдан кеч тўхтайди, натижада дарахтларни совуқ уриб кетади. Ҳар бир суғоришдан кейин тупроқ селгиши билан ариқ ичлари юмшатиб чиқилади.

Тупроқда намни кўпайтириш учун ноябрь-декабрда боғни бир-икки марта суғориш керак.

Ариқдан суғоришнинг иложи бўлмаса, дарахтнинг ҳар бирига уч-тўрт челақдан ва уч-тўрт ёшдаги дарахтга олти-етти челақдан сув қўйилади.

Ёш мева дарахтларига шакл бериш ва уларни кесиш. Мева дарахтларини кесиш ва уларга шакл бериш жуда муҳим. Дарахтларга тўғри шакл бериш ва уларнинг айрим шохларини кесиб туриш дарахтларнинг ўсишини тезлаштиради ва кўп мева қилганида шохларни синиб кетишдан сақлайди.

Дарахтнинг асосий шохлари тўғри жойлашган, озроқ тирговуч қўйганда кўп ҳосилни кўтариб тура оладиган даражада бақувват бўлиши керак.

Томорқа ерларида кўпинча бештадан шохча қолдириб шакл бериш усули қўлланилади. Бу усулда шаклланган дарахтнинг шохлари бир-биридан 60—70 см узоқликда беш қават бўлиб жойлашади. Биринчи икки қаватнинг ҳар қайсисидан бештадан шохча, учинчи қават шохлари ҳаммаси қолдирилади, кўчатлар кўчатзорда шу усулда шаклланади. Боққа ўтқазиладиган кўчатларда бешта шохли биринчи қавати ва тана давоми новдачаси бўлади.

Агар кўчатда шохчалар бўлмаса, унинг 70 см юқори-

сидан кесилади. Ёз бўйи бу кўчатда шохчалар пайдо бўлади. Сўнгра келаси йил иккинчи қават шохчалар қолдириб кесилади. Бунинг учун, танасининг шохлаган юқори қисмида биринчи қаватдан 60—70 см баландроқда беш-олтита яхши етилган куртак қолдириб шохчанинг учи кесиб ташланади. У билан бирга ён асосий шохчаларни ҳам бир йилда ўсган қисмининг учдан бир ёки тўртдан бир қисми кесиб ташланади. Танасининг юқори қисмида қолдирилган куртаклардан иккинчи қават шохчалар ва тана давоми новдаси ўсиб чиқади.

ҲОСИЛГА КИРГАН БОҒНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Дарахт новдалари ҳар йили энг камида 30—40 см ўсгандагина, боғдан мўл мева ҳосили олиш мумкин. Дарахтларнинг яхши ўсиб, кучли новда бериши учун боғ ерини ўз вақтида яхшилаб юмшатиб туриш, ўғитлаш ва сугориш, шунингдек дарахтларни кесиб туриш, касаллик ва зараркунандаларга қарши ўз вақтида курашиб туриш керак.

Боғ ерини ишлаш. Мева бераётган дарахтларнинг илдизлари, унинг шох-шаббаларига қараганда кенг-роқ доирага таралади. Шунинг учун ҳам ерни яхшилаб ишлаб, илдизларнинг ўсиши учун қулай шароит туғдириб бериш ва дарахтларни озик моддалар билан таъминлаб туриш керак.

Мева дарахтларининг шох-шаббалари ўсиб кетиб, бир-бири билан тутшиб кетгунига қадар уларнинг қатор ораларига турли экинлар экиш мумкин.

Дарахтларнинг шох-шаббалари бир-бирига туташган боғларнинг ери ёппасига чопиб ташланади.

Кузда боғ 20—25 см чуқурликда ағдариб чопилади.

Олхўри, олча ва беҳи экилган боғнинг тупроғи юзароқ қилиб чопилиши керак.

Баҳорда боғнинг тупроғини 8—10 см чуқурликда, ағдармасдан юмшатилади. Дарахт ости тўғараги ёзда энг камида уч-тўрт марта ва қатор оралари бир-икки марта юмшатилади. Дарахтларнинг қишга яхши тайёрланиши учун чопиқ август ойининг охирларида тўхтатилади.

Дарахтлар қатор ораларини соялаган вақтда у ерларга қизил себарга, беда экиш керак.

Ўғитлаш. Гўнг, компост, халажой ахлати ва бошқа органик ўғитлар кузда тупроқни чуқур ағдариб юмшатиш

вақтида солинади. Бунда ҳар квадрат метр жойга 4—5 кг гўнг ёки 5—6 кг компост солинади. Халажой ахлатидан ҳар 10 квадрат метр жойга икки челақ солинади. Гўнг ва компост боғ қатор ораларига ва дарахт ости тўғаракларига сочилади, сўнгра ер ағдариб чопилиб, тупроққа араштирилади.

Ўғитларни тупроққа чуқур қилиб солиш ҳосилни ошириш учун катта аҳамиятга эга. Томорқага ўғитларни чуқур қилиб солишнинг бир неча усули бор. Уларни чуқурларга ёки дарахт атрофидаги айлана ариқчаларга солиш мумкин. Чуқурлар дарахт айланасига, унинг шох-шаббалари қопланган кенгликдаги ернинг ҳар метрига бир ёки иккитадан қазилади. Улар 30—40 см чуқурликда қазилиб, органик ўғит солинади ва кўмиб ташланади, ёки дарахт атрофида тахминан унинг шохлари кенглигида гир айлантириб, 40—50 см чуқурликда қилиб ариқ қазилади. Сўнгра ўғитлар ариқча остидаги тупроқ билан араштирилади. Органик ўғитларнинг хили ва миқдори ёш боғларга солинган миқдордан фарқ қилмайди. Фақат фарқи шундаки, 10 йиллик ва ундан катта дарахтлар орасидаги биринчи ариқча дарахтдан 150 см узоқликда қазилади. Дарахтлар катталашган сари ўғит боғнинг ҳамма ерига солинади, нормаси ҳам оширилади.

Минерал ўғитлар ҳосилга кирган мева дарахтларининг остига, ҳар квадрат метр ерга ҳар йили қуйидаги миқдорда солинади: 35—40 г аммиак селитра ва 30—50 г суперфосфат; суперфосфат кузда тупроқни чуқур ағдариб чопиш вақтида солинади. Аммиак селитранинг 50% и эрта баҳорда, 25% и май ойининг охирида ва қолган 25% и июль ойида берилади.

Боғни суғориш. Боғ кам суғорилса мева дарахтлари ёмон ўсади, ҳосили жуда камайиб мевалари майда ва камшира бўлади.

Ўзбекистонда дарахтлар — баҳорда, ёзда ва қишда суғорилади.

Боғларни ариқдан жилдиратиб суғориш энг яхши натижа беради. Бу усул билан суғорилганда боғ қатор ораларида 12—15 см чуқурликда эгатлар олинади. Эгатларнинг бир-биридан узоқлиги оғир тупроқли ерларда 100—120 см, енгил тупроқли ерларда 50—60 см қилиб олинади. Сув эгатлардан бир-икки сутка жилдиратиб оқизиб қўйилади.

Қатор ораларига беда экилган бўлса, боғ ёппасига

бостириб суғорилади, шунингдек қишда ҳам шу усул қўлланилади.

Республиканинг шимолий районларида мева боғлари уч-тўрт марта, жанубий районларда эса тўрт-беш марта суғорилади. Шағал тупроқли ерларда боғлар ҳар гал камроқ норма билан 10—12 марта суғорилади. Агар ба-ҳар қурғоқроқ келса боғ биринчи марта — дарахтлар гуллагунга қадар, иккинчи марта май ойида — мева ту-ғиш вақтида, учинчи марта июнь ойининг бошларида, тўртинчи марта июль ойида ва бешинчи марта август ойида суғорилади.

Ҳар бир суғоришдан икки-уч кун кейин, тупроқ сал селгиши билан эгат тупроғи юмшатилади. Агар боғ қатор ораларига бошқа экинлар экилган бўлса, суғоришлар ўша экинларнинг талабига мослаб олиб борилади. Бундай ҳолларда дарахтлар алоҳида ариқчалардан суғорилади.

Ўзбекистоннинг шимолий районларида август ойининг охирида ва сентябрь ойининг бошларида, жанубий районларида 10—15 сентябрда боғларни суғориш иш-лари тўхтатилади.

Боғни қишда хазон резгидан кейин суғора бошлаш мумкин. Бироқ ноябрь—декабрь ойлари суғориш учун энг яхши муддат ҳисобланади.

Катта мева дарахтларининг шох ва новдалари ҳар йили кеч кузда ёки эрта кўкламда қисқартирилади, ортиқ-ча шох-шаббалари кесилиб сийраклантирилади. Бу иш ён ва ҳосил шохларининг пайдо бўлишига ёрдам беради. Дарахт шохларини сийраклантирганда бир-бирини соя-лайдиган, бир-бири билан чалкашиб кетган шох-шабба-лар кесиб ташланади.

Дарахтни кесганда қўйидаги қондаларга риоя қилиш керак:

1) дарахтнинг дастлаб қуриган, синган, шикастланган, касалланган, бир-бири билан чалкашиб, осилиб кетган ва шох-шаббаларининг ич тарафига қараб ўсган шохлари кесилади;


2) ортиқча шохлар тагига тақаб кесиб олинади, тана-га тақаб кесилмаганда кесилган жойнинг битиши қийин бўлиб, кўпинча унинг ўрни кавак бўлиб қолади (5-расм);

3) майда шохчалар ток қайчисида, йириклари эса боғ аррасида кесилади. Кесилган жойлар пичоқда силлиқла-ниб унга натурал алиф мойи қўшиб тайёрланган буёқ сур-тиб қўйилади;

4) ёш новдачаларни қисқартишда унинг куртаги устидан кесилади.

Дарахт танасини парвариш қилиш. Дарахт танаси ва асосий шохлари пўстлогининг устки қавати ёрилиб қуриydi. Бу қуриган пўстлоқларнинг остида ҳар хил зараркунандалар жойланиб олади. Бу хилда қуриган пўстлоқларни ҳар йили кузда ёки эрта баҳорда махсус қирғич билан қириб олиб куйдириб ташлаш керак. Бунда дарахтнинг соғ пўстлогини шикастламаслик учун эҳтиёт бўлиш лозим.

Пўстлоқни тозалаб бўлгандан сўнг, дарахт танаси ва



5-расм. Дарахт шохини кесиш: а — шохни тўғри ва нотўғри кесиш; б — тўғри кесганда яранинг битиб кетиши; в — нотўғри кесганда яранинг битиши.

асосий катта шохларининг таг томонига 10—15 процент лой қўшиб тайёрланган оҳак суркаб қўйилади.

Кекса дарахтларда кавак пайдо бўлса, шу кавакни тўтиёйининг беш процентли эритмаси билан ювиш, сўнг-ра унга майдаланган гишт парчалари солиб тўлдириш, шундан кейин устини оҳак айрони билан суваб ёки цементлаб қўйиш керак.

Дарахт танасининг тагидан, илдизларидан кўпинча бачки новдалар ўсиб чиқиб, дарахтнинг куч-қувватини сўриб олади. Кўпинча уларга қонбити ва баргбити тушган бўлади. Бу бачки новдалар йилга бир-икки марта тагидан кесиб ташланади.

Тирговуч қўйиш. Мева оғирлигидан шохлар синиб кетмаслиги учун уларга тирговуч мустаҳкам қилиб ўрнатилади. Оддий тирговуч қўйилганда ерни лом билан ўйиб, унга тахминан 1 м узунлигида қозиқ қоқилади ва

шу қозыққа тирговуч боғлаб қўйилади. Тирговуч шохларни учроғидан уларни кўтариб турадиган қилиб ўрнатилади. Тирговучларнинг ичида айриси бўлиши керак. Айриси бўлмаган тирговучларга шохлар каноп билан боғлаб қўйилади.

20—25 йиллик олма дарахтига ҳосилига қараб 12—20 та тирговуч қўйилади.

Тирговучларни қўйишдан олдин уларнинг пўстлоғини арчиш керак, чунки пўстлоқ остида турли хил зараркунадалар яширинган бўлади.

Дарахтларнинг шохларини сим билан тортиб боғлаб қўйишда тирговучлар керак бўлмайди. Бунда дарахт шох-шаббаларининг ўрта ерига металл боғлаб, дарахтнинг асосий шохлари учига илмоқ қилинган сим билан ҳалиги ҳалқа симга тортиб боғланади. Сим шохни қириб кетмаслиги учун шох билан сим ўртасига йўғонлиги 1,5—2 см, узунлиги 10—12 см келадиган кичкина пайраха қўйилади. Симни шохнинг учроғига боғлаш керак. Симни шохнинг танага яқинроқ жойидан боғланса, шохнинг учи меваларни кўтара олмай синиб кетиши мумкин.

Ҳосилини териблиш. Пишган мевалар ўсишдан тўхтайди ва бандларидан осонгина ажралади, уруғлари қорая бошлайди.

Муддатидан илгари терилган мевалар буришиб қолади ва меваза бўлади. Вақтидан кеч терилса меваларнинг кўпи тўкилиб кетади ва уларни узоқ вақт сақлаш анча қийин бўлади.

Қишки олма ва нок навларини кечи билан сентябрь ойининг охири ва октябрь ойининг бошларида териш керак. Бу вақтда терилган мевалар оғир, катта, мазаси эса яхши ва ранги чиройли бўлади.

Меваларнинг ҳосилини дастлаб пастки шохларидан тера бошлаш керак. Уларни теришда бандчалари ва калта мева новдачаларининг синмаслиги учун эҳтиёт бўлиш керак.

Олма ва нокни мева бандчалари билан бирга терилади.

Мевани теришда калта мева новдачаларининг синиб кетмаслигига катта эътибор бериш керак. Чунки мева новдачалари 8—15 йил яшайди. Уларнинг синиб кетиши, келгуси йилларнинг ҳосилини камайтириб юборади.

Меваларни дарахтлардан нарвонда туриб узиш керак. Дарахтга чиқиб терилса, уларнинг пўстлоғини шикастлаш ва шохини синдириб юбориш мумкин.

ҚУЛУПНАЙ (ЕРТУТ)

Илғор агротехника шароитида ўстирилган қулупнай ҳар 10 квадрат метр ердан 10—15 кг ҳосил беради.

Қулупнайнинг ўрта ва кеч пишар навлари бўлади.

Қулупнайни кўпайтириш. Қулупнай пояси-дан кўпаяди. Унинг узун, ипсимон поялари (жингалаги) бўлиб ерга ётиб ўсади. Пояларининг йўғонлашган жойларидан илдиз отади. Ўсимликнинг яхшироқ илдиз отиши учун пояни ерга тиқиб қўйилади. Илдиз отган поялари тупидан ажратиб олиниб янги туп ҳосил қилинади. Икки-уч йиллик қулупнай тупларидан яхши кўчат олинади. Ҳар бир поя бир неча туп қулупнай кўчати бериши мумкин. Уларнинг тупга яқинроқ бўлгани яхшироқ ҳисобланади.

Қулупнайни бир ерда тўрт-беш йилдан ошиқ ўстириб бўлмайди, чунки бундан ошиқ ўстирилганда ҳосил камайиб кетади.

Қулупнайни ёш мева дарахтлари қатор ораларига экиш мумкин.

Қулупнай экиш учун ажратилган жой яхшилаб текисланади ва 25—30 см чуқурликда ағдариб чопилади. Чопиш вақтида ернинг ҳар квадрат метрига 4—6 кг. гўнг ёки компост ва шунингдек 60 г суперфосфат солиш керак.

Қулупнай июль ёки август бошида ва ёки эрта кўкламда экилади. Экишдан олдин қулупнай кўчатининг илдизлари қуриб қолмаслиги учун улар гўнг аралаш лойга тиқиб олинади.

Ўғитлаб чопилган ерда 15—20 см чуқурликда 60—70 см оралик билан эгат олинади. Сўнгга уни яхшилаб суғорилади ва ариқнинг зах чиққан жойига қулупнай кўчати қўш қатор қилиб (туп орасини 25 см. қилиб) экилади. Бир марзадаги қўш қатор ораси 25 см қилинади. Кўчат экканда ўнинг устки қуртаги тупроққа кўмчи-либ кетмаслиги керак, акс ҳолда у қуриб қолади. Кўчат экиш учун иккита бармоқ (кўрсаткич ва ўрта бармоқ) билан чуқурча қилиниб, унга кўчат илдизини тўғри-лаб, тупроқ билан бостириб қўйилади, илдизнинг юқорига қайрилиб қолишига йўл қўйиш ярамайди.

Қулупнайни кечга яқин, куннинг иссиғи қайтганда экилади. Кўчатларни экиб бўлгандан сўнг уч-тўрт кун эгәтдан сув жилдиратиб оқизи-б қўйилади. Ундан кейин

қулупнай чанқашига қараб ҳар 10—15 кунда бир марта суғориб турилади.

Баҳорда қулупнай қаторлари ва қатор ораларининг тупроғи юмшатилади. Биринчи чопиқ қўлупнайда гунча пайдо бўлгунча ўтказилади. Ёз давомида қулупнай қатор оралари ҳар бир суғоришдан кейин юмшатиб турилади.

Қулупнай ҳосили кўпинча унинг мевасини йиғиб олгандан кейинги парваришга боғлиқ бўлади. Агар қулупнайни ёзда ёввойи ўт босиб кетса, шунингдек унинг поялари жуда кўпайиб кетса, қулупнай ўсимлиги кучсизланиб келгуси йил ҳосили жуда камайиб кетади. Бунда қулупнайни ўташдан ташқари унинг пояларини ҳам ҳар икки-уч ҳафтада бир марта сийраклаб туриш керак.

Мўл ҳосил олиш учун ҳар йили баҳорда қулупнайзорнинг ҳар квадрат метрига 25 г аммиак селитра солинади. Ҳосили йиғиб бўлингандан сўнг, унга яна ҳар квадрат метр ерга 20 г аммиак селитра ва 30 г суперфосфат солинади ҳамда кузги чопиқ олдида 2—3 кг дан чириган гўнг солинади.

Ўз вақтида суғориб туришнинг аҳамияти жуда катта. Қулупнай якка қаторлаб ёки қўш қаторлаб экилса, эгатлардан жилдирашиб суғорилади. Биринчи сув эрта баҳорда, гуллашидан олдин берилади; иккинчи марта гуллагандан кейин, учинчи марта иккинчи суғоришдан ўн кун кейин, тўртинчи марта ҳосили пишиш олдида суғорилади. Қулупнай мевасини териш вақтида ҳар тўрт-беш кунда суғориб турилади. Ҳосили терилиб бўлгандан кейин, кузгача тўрт-беш марта суғорилади.

Қулупнай ҳосили май ойининг биринчи кунларида терила бошланади. Қулупнайни куннинг иссиқ вақтида териб бўлмайди, чунки у тез бузилади. Теришда қулупнай мевасини қўл билан ушламасдан, балки уни бандчасидан ушлаб тирноқ билан узиб олинади.

МАЛИНА

Малина экиладиган ер 50 см чуқурликкача чопиладди. Чопишдан олдин ҳар квадрат метр ерга 8—10 кг дан гўнг солинади.

Малина илдиз бачкиларидан ва малина тупини бир нечага бўлиб ўтқазиш йўли билан кўпайтирилади. Илдиз бачкилари кузда тупидан ажратиб олинади. Бу бачкилар қаторга бир-биридан 70—80 см узоқликда ва қа-

тор ораларини 1,5 м қилиб ўтқазилади. Ўтқазилгандан кейин улар ердан 30—40 см баландликда қилиб кесиб ташланади.

Малина ёз бўйи 9—12 марта суғорилади. Уни гуллашидан олдин бир марта, гуллаш вақтида икки марта, меваси пишгунга қадар икки марта, меваси пишганда ва мевасини териб олгандан кейин уч-тўрт марта суғориш керак.

Кузда қуриган новдаларни кесиш вақтида кучли ўсган тупларда 12—15 новда қолдириб бошқалари кесиб ташланади. Бунда новдаларнинг бир жойда гўж бўлиб ўсганлари эмас балки сийрак жойлашганлари қолдирилади.

Ҳар ўн квадрат метр ерга экилган малина 5—7 кг гача ҳосил беради. Малина меваларини эрталабки шудрингдан кейин ва кечқурун терилади. Малинанинг меваларини қайта ишлаш учун (пишириш учун) мева бандсиз қилиб, узоқ ерга юбориб ҳўллигида ейиш учун эса мева бандчаси билан терилади.

СУБТРОПИК МЕВАЛАР

Анор. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма районларида ўстирилади. Анор иссиқсевар ўсимлик бўлгани учун уни Ўзбекистонда қишда кўмилиб қўйилади. Анор тупи 2—5 м баланд бўлиб ўсади. Анорнинг гуллари қип-қизил бўлиб, кўпинча шохларининг учида очилади. Анорнинг гули икки хил: бири узун-кўвачасимон ва иккинчи хили калта-қўнғироқсимон бўлади. Қўнғироқсимон гуллари (эркак гули) тўкилиб кетади. Кўвачасимон гуллари мева тугади.

Анор қаламча қилиш йўли билан кўпайтирилади. Ўтқазилгандан 3—4 йил кейин мева бера бошлайди.

Анжир. Кўпинча 6—7 м катталиқда бўлиб, илдизлари юза ўсади.

Анжир бир йилда икки марта ҳосил беради. Биринчи ҳосили (хокиси) июнь-июль ойларида, иккинчи ҳосили эса сентябрь-октябрь ойларида терилади. Ҳар бир анжир тупидан 100—120 кг ҳосил олинади. Анжир тупи қишда кўмилади.

Анжир қаламчаси билан кўпайтирилади. Қаламчалар 20—25 см узунликда қилиб, кузда анжир тупини кўмиш олдида ёки баҳорда тайёрлаб қўйилади. Қаламча учун бир-икки йиллик новдалар олинади. Қаламчалар қишда 25—30 см қалинликдаги тупроққа кўмиб қўйилади.

АНОРЗОР ВА АНЖИРЗОР БАРПО ҚИЛИШ

Анор қатор ораларининг кенглиги 3 м ва қатордаги туп оралари 3 м қилиб, анжирни қатор оралари 4 м ва туп оралари 3 м қилиб олинади.

Уларни экиш учун чуқурнинг кенглиги 75 см ва чуқурлиги 60 см қилиб қазилади. Улар кўчатзорда қандай чуқурликда экилган бўлса, томорқага ҳам шундай чуқурликда экилади. Кузга бориб буларни кўмишдан олдин кесишда анорда тўрт беш ва анжирда 3—4 новда қолдирилади.

Келгуси йил апрель ойида анор ва анжирлар очилиб қатор оралари юмшатилади. Қаторларнинг икки тарафига ариқча қазилади. Очгандан 10—15 кун кейин уларнинг қуриган шохлари ва илдиздан чиққан бачки новдалари кесиб ташланади.

Анор тупларини кўтариб остига тиргович қўйилади. Ёш анор туплари 10—12 марта суғорилади. Ёввойи ўтларнинг пайдо бўлишига қараб ёз бўйи икки-уч марта 8—10 см чуқурликда чопилади.

Кузда улар кўмилгандан кейин қатор оралари чопилади.

Ҳосилга кирган анор ва анжир қаторлари шудгор қилиб қўйилади ёки сабзавот экилади. Ерни ағдариб чопиш вақтида унинг ҳар квадрат метрига 2 кг гўнг, 30 г аммиак селитра, 100 г суперфосфат ва 30 г калий тузи солинади.

Анор ва анжир ўсув даврида энг ками 8—10 марта суғорилади. Уларнинг ортиқча ва қуриган новдалари кесиб ташланади.

Анжир ҳосилли асосан август ойларидан терида бошланиб, терим сентябрь ойининг охирларигача давом этади. Ҳўллигида ейиш учун пишган меваларни териб олинади, қуритиладиганлари дарахтда сўлигунча қолдирилади.

Анор сентябрь ойининг иккинчи ярмидан терида бошланади ва октябрь ойининг ярмиларида тамомланади. Анорнинг бандчаси шохда қоладиган қилиб ток қайчишида кесиб олинади. Терилган мевалар соя жойда икки-уч кун селгитилади.

Анор ва анжирни кўмиш ишлари республиканинг шимолий районларида ноябрь ойининг бошида ва жанубий районларда эса ноябрнинг охирида тамомланади. Анор ва анжир туплари қаторлар бўйлаб ётқизилади.

Уларнинг остига қамиш ташлаб тупроқдан тўшама қилинади. Сўнгра шу тўшамага мева тупи ётқизилади ва усти похол билан ёпилади, похолнинг устига эса 20—30 см қалинликда тупроқ тўкилади. Туплардаги асосий шохлар синиб кетмаслиги учун уларни эҳтиётлик билан ётқизиш керак.

ТОКЧИЛИК

Томорқа боғларида токлар энг қимматбаҳо экин ҳисобланади. Чунки ток томорқани кўм-кўк қилиб, ҳуснига ҳусн қўшади ва фойдали маҳсулот беради. Ток тез (иккинчи йилиёк) ҳосилга кирадиган ўсимлик бўлиб, яхши парвариш қилганда ҳар тупидан ўрта ҳисобда 15—20 кг узум ҳосили олинади. Баъзи бир соҳибкор токчилар ҳар туп токдан 30—40 кг дан, ҳатто 100 кг узум ҳосили олади.

Узумнинг қиммати даставвал шундаки, унда глюкоза ва фруктоза шаклида жуда кўп қанд моддаси бор. Бундан ташқари узум ширасида енгил ҳазм бўладиган кислоталар, шунингдек витаминлар бор. Узумни истеъмол қилиш натижасида нерв системаоининг фаолияти ва қон айланиши яхшиланади, мускуллар хусусан юрак ва ошқозон мускуллари бақувват бўлади ва кам қонлик йўқолади.

Узумни буйрак, юрак ва томир, ҳазм қилиш органлари, нафас олиш органлари касалликларини даволашда ва модда алмашиши бузилганда, киши озиб кетганда истеъмол қилса яхши фойда қилади.

Ток навлари тўғри танланилса, июнь ойидан то октябр ойига қадар узумни янги узилган ҳолда ейиш мумкин.

Айрим маҳаллий ток навларининг ҳосилини бутун қиш бўйи сақлаш мумкин.

Узумдан майиз солинади, шунингдек ундан шинни, мураббо, консервалар, компот, мармелад тайёрланади.

Ток илдизларининг кўпи 60—70 см чуқурликка таралади. Унинг ер устки қисми кўп йиллик шохлардан ва бир йиллик новдалардан иборат. Токни елпуғичсимон тараб кўп зангли қилиб ўстирилади. Икки йиллик новдаларда бир йиллик новдалар ўсган бўлиб, уларнинг куртагидан баҳорда янги новдалар ўсиб чиқади. Янги нов-

даларнинг узунлиги кузга бориб 5—10 м га етади. Ток новдаси кузда 12 ва ундан кўпроқ бўғим қолдириб кесилса, уни узун кесиш, 8—10 бўғим қолдириб кесилса—ўрта кесиш ва 4—8 бўғим қолдириб кесилса калта кесиш дейилади. Шу хилда кесиб қолдирилган новдаларнинг ҳаммаси ҳам *ҳосил новдалари* дейилади.

Баъзан новдани жуда калта қилиб, яъни иккита-учта кўз қолдириб кесилади. Улардан келгуси йили жуда бақувват новдалар ўсиб чиқади. Шунинг учун калта қилиб кесилган новдалар *ўринбосар новдалар* дейилади.

Новдалар қанчалик яхши пишса, шунчалик совуққа чидамли бўлади ва яхшироқ ҳосил беради.

Барг ўсимликнинг муҳим органи ҳисобланади. Барглар озиқ моддаларни ишлаб тайёрлайди. Барглар қанчалик яхши ўсса ва ёруғликдан қанча кўп баҳра олса, ўсимликда озиқ моддалар шунча кўпаяди, ҳосили ҳам мўл бўлади.

Шўрада жуда кўп (180—1400) гунча—гул бўлади. Гулининг 25—30 процентинаси мева туғиб, қолганлари тўкилиб кетади. Агар агротехника тadbирлари тўғри қўлланилса, гуллари кам тўкилиб, кўпчилиги мева тугади.

Ток гули майда, сарғиш яшил, гултожининг гулбарглари қалпоқча шаклида бир-бирига бирлашган бўлиб, улар гуллаш даврида очилади ва оталикларининг ўсиши билан тўкилиб кетади.

Гуллари кўпинча қўш жинслик бўлади. Лекин айрим ток навдаларида гулининг фақат оналик қисмигинаси нормал бўлади. Қўш жинсли гулларнинг оналиги, оталиги яхши ривожланган бўлиб, чанги ҳам самарали бўлади. Оналигининг нормаль ишлайдиган гуллар қўш жинсли гуллардан ўзларининг оталиги калта ва қалпоқчалари тўкилгандан сўнг пастга эгилиб қолишлари билан фарқланади. Бундай гулларнинг чанглари самарасиз бўлади. Бу хилда гулларнинг оғизчасига ўзининг чанги тушмайди, бундай гуллар гуллари нормал ўсган навлардан чангланади. Ток гулларининг чанглари бир гулдан иккинчи гулга шамол орқали ўтади. Ток гулларининг четдан яхши чангланиши учун чангланувчи нав билан чангловчи навнинг туплари бир-бирига яқинроқ жойлашган бўлиши керак. Шунинг учун гулининг оналиги яхши ишлайдиган ток тупларининг орасига гуллари нормал ишлайдиган ток навларини ҳам ўтқазиш керак. Гулининг она-

лик қисмигина ишлайдиган ток навлари: Нимранг, Каттақўрғон, Даройи, Чарос, Тавквери, Эчкəмар, Тағоби, Қизил, яқдона. Бу нав тоқлар учун энг яхши чангловчи сифатида қуйидаги ток навларини тавсия қилиш мумкин: Нимранг учун—Саперави, Пушти тоифи, Қора кишмиш, Оқ кишмиш; Каттақўрғон учун—Бахтиёри, Қора кишмиш, Саперави, Султони; Даройи учун — Қора кишмиш, Саперави, Оқ кишмиш; Чарос учун—Қора кишмиш, Хусайни, Султони, Тош буваки.

Гулининг оналигигина ишлайдиган навларнинг шўралари чангланмасдан ҳам мева тутиши мумкин. Лекин уларнинг ғужумлари нўхатдек майда бўлиб қолади. Агар гуллаш вақтида ёғингарчилик бўлиб ҳаво салқин келса, чангланиш ёмон ўтади. Гулларининг кўпчилиги тўкилиб кетади.

Гуллари чангланиб бўлгандан сўнг ғўра жуда тез ўса бошлайди.

Узум билан бирга уларнинг новдалари ҳам пишади. Узуми узилгандан кейин ток кесилиб қўйилади.

Токнинг Европа навлари Ўрта Осиё навларига қараганда совуққа чидамлироқ бўлади. Токни Ўзбекистоннинг қиши унча қаттиқ бўлмайдиган, масалан, Фарғона областининг Қўқон районида ва Қашқадарё областининг Китоб райони каби жойлардагина қишда кўммасдан ўстириш мумкин.

ТОКЛАРНИ КўПАЙТИРИШ

Тоқлар қаламчалаб кўпайтирилади. Қаламчалар бир йиллик новдалардан кузда токни кесиш вақтида тайёрланади. Қаламча учун серҳосил тоқлардан яхши пишган новдалар олинади. Қаламчани 50—60 см узунликда (беш-еттита кўзли) қилиб олиш керак. Кесиб олинган қаламчаларни офтобда қолдириш ярамайди. Тайёрланган қаламчалар боғ-боғ қилиниб боғламнинг устига уларнинг нави кўрсатилган ёрлик осиб қўйилади. Сўнг-ра чуқурлиги 60—70 см қилиб ўра қизилади ва унга қаламча боғламлари тикка қилиб қўйилиб устига 25—30 см қалинликда тупроқ ташланади.

Баҳорда қаламчаларни ўтқазиладиган ерга чуқурлиги 30—35 см, кенлиги 20—25 см қилиб ариқча қазилади. Қазилган ариқчага қаламчалар бир-биридан 10—12 см

узоқликда, қияроқ қилиб қўйилади. Сўнгра қаламчада иккитадан кўз қолдириб, қолган қисми тупроқ билан кўмилади. Қаламча экилган қаторлар ёнидан суғориш учун ариқ қазилади. Дастлабки уч-тўрт суғоришни беш-олти кун оралатиб ўтказилади. Кейинчалик эса ҳар 10—12 кунда бир мартадан суғориб турилади. Новдалар яхшироқ пишиши учун суғориш сентябрь ойининг бошларида тўхтатилади.

ТОМОРҚАДА ТОКЗОР ҚИЛИШ

Токзор учун экиб келинган, сув билан яхши таъминланган ерларни ажратиш керак.

Токларни сал-пал шўрланган ерга экиш ҳам мумкин. Агар ер ости суви юза жойлашган бўлса, зовур қазиб сувларни чиқариб юбориш керак.

Токларни уй, хўжалик бинолари атрофига девор ва йўл бўйларига ўтқазилганда, уларни ёруғлик яхши тушадиган томонга экиш керак. Чунки ток ёруғликни севадиган ўсимлик бўлиб, соя-жойларда жуда кам ҳосил беради.

Токларни ўтқозишдан олдин ер 60—70 см чуқурликда ағдариб чопилади. Ағдариб чопиш вақтида ернинг ҳар квадрат метрига 150—200 г суперфосфат, 40—50 г калий тузи ёки 200—250 г ўтин кули ва 4—5 кг чиринди солинади. Тупроқни яхшиси кузда чуқур қилиб ҳайдаб қўйиш керак.

Ток экиш учун ер тайёр бўлгандан кейин томорқа режаланади. Бунинг учун унга ҳар томондан иплар тортиб ток экиладиган жойларга қозиқлар қоқиб чиқилади.

Қатор оралари ва қатордаги туп ораларининг кенлиги, токнинг навига ва уларнинг қандай шаклда ўстирилишига қараб белгиланади. Яхши ўсадиган ток тупларини бир-биридан узоқроқ қилиб экиш керак. Ток симбағазга кўтариб ўстирилганда уларнинг қатор оралари 2,5 м қилиб, қалпоқли симбағаз усулида ўстирилганда 3—3,5 м қилиб, ишком ёки воиш усулида ўстирилганда эса 4 м қилиб олинади. Қатордаги туп оралари: кучли ўсадиган навлар учун 2,5—3 м, ўртача ўсадиган навлар учун—2—2,5 м ва кучсиз ўсадиганлар учун 1,5—2 м қилинади.

Токни экиш муддати. Токни кузда ва баҳорда экиш мумкин. Кузда экилган ток кўчатларини қиш-

да устини 20—25 см қалинликда тупроқ билан кўмиб қўйилади. Бунда кўмилган тоқларни баҳорда очиш вақтида йўқотиб қўймаслик учун ҳар бир туп ёнига қозиқ қоқиб қўйилади.

Чуқур қазиш—чуқур қилиб ағдариб чопилмаган ерларда чуқурнинг кенглигини 50 см ва чуқурлиги 70 см қилиб қазилади. Шағалли тупроқларда чуқурни 80 см чуқурликда қилиб қазилади. Ағдариб чопилган ерларда чуқурнинг кенглиги 30—35 см ва чуқурлиги 40 см қилиб олинади. Чуқур қазиш вақтида тупроқнинг устки қавати бир томонга ва остки қавати иккинчи томонга ташланади. Кўчат ўтқазиб чуқурни кўмишда, аввал устки қатлам тупроқ, сўнгра пастки қатлам тупроқ солинади.

Ток экиш. Экиш олдида ток кўчати текшириб чиқилади. Унинг устки илдизлари ўткир пичоқ билан кесиб ташланиб, асосан пастки, энг бақувват илдизлари қолдирилади. Қолдирилган илдизларнинг учлари кесиб ташланади. Агар кўчатда бир неча новда бўлса, улардан иккита бақуввати қолдирилиб, қолганлари кесиб ташланади. Қолдирилган новдаларнинг ҳар қайсида икки-учтадан кўз қолдирилади.

Кесиб тайёрланган кўчат илдизи чиринди аралаштирилган лойга тиқиб олинади. Кўчатларни қисқа вақтга ҳам очиқ қолдириш ярамайди, чунки илдизлари қуриб кўчатнинг тутиб кетиши қийинлашади. Экилмаган кўчатларни тупроққа кўмиб, ҳўл латта ёки похол билан ўраб қўйиш керак.

Ориқ ерларда кўчатларнинг тез тутиб кетиши ва яхши ўсиши учун экишдан олдин чуқурга бир-бир ярим челақ чиринди солиб, чуқур ичидаги тупроқ билан яхшилаб аралаштириш керак.

Кўчатларни экишда устки қатлам тупроғини чуқурга гумбазча шаклида қилиб солинади, унга кўчатни тўғри-лаб ўтқазилади. Кўчатнинг бир йиллик новдалари ердан 3—5 см чиқиб турадиган қилиб экилади.

Кўчат ўтқазилгандан кейин айланасига солинган тупроқ оёқ билан аста-секин босиб қўйилади. Чуқурнинг тўртдан уч қисми тупроқ билан тўлдирилгандан кейин тупроқнинг яхшироқ намиқиши учун унга бир челақ сув қуйилиб, устига яна тупроқ солинади.

Токни қаламча қилиб ҳам экиш мумкин. Бунинг учун

ток новдасининг пастки қисмидан 60—70 см узунликда қаламча кесиб олиннб, улар иккитадан қилиб чуқурга ўтқазилади. Экишдан олдин қаламчаларни икки-уч кун сувга солиб қўйиш керак. Қаламчалар ер бетида иккита куртак қолдириб экилади.

Қаламчаларни кўчатларга қараганда яхшироқ парвариш қилиш керак. Чунки қаламчаларнинг тутиб-қўқариб кетиши қийинроқ бўлади.

Пархиш қилиш. Томорқада токларни пархиш қилиш йўли билан кўпайтириш мумкин.


Токнинг пархиш қилинадиган томонга қараб ўсган бақувват новдаси танланади. Келгуси йил баҳорда ўша томонга қаратиб 40—50 см чуқурликда узун ариқ қазилади ва унга 2—2,5 м узунликдаги танлаб олинган новда ётқизилади. Бу новда учи ер бетига 3—4 куртак қоладиган қилиб кесилади, ерга кўмилиб кетадиган куртакларининг ҳаммаси ўзиб ташланади.

Пархиш қилинган новда илдиз отиб, ривожланиб кетганидан кейин асосий тупдан ажратилади.

Токни пайванд қилиш. Кам ҳосил навни бошқа серҳосил нав билан алмаштириш лозим бўлганида токни пайванд қилинади. Пайвандни беш-саккиз йиллик ёш токларга қилинса яхшироқ бўлади. Токни яхшиси эрта баҳорда, яъни шира ҳаракати бошлагунча пайванд қилиш керак.

Пайванд қилиш учун занг атрофидаги тупроқ 30—35 см чуқурликда қавланиб тозаланади. Занг илдиз шохлаган жойидан сал юқорироқдан аррланади, арраланган жой ер юзасидан тахминан 20—25 см пастроқда бўлиши керак. Арраланган жой пичоқ билан яхшилаб тозаланади ва унинг қоқ ўртасидан махсус пичоқ (болта ёки теша) да 4—5 см чуқурликда ёриқ қилинади. Бу ёриқ керагича кенгайтирилади. Ёриқ қаламчани яхши сиқиб турадиган бўлсин. Унинг яна ёпилиб қолмаслиги учун ёриққа яхшилаб текисланган ёғоч понача жойлаб, ораси очиб қўйилади. Пайванд қилинадиган қаламча бир кун сувга солиб қўйилади. Пайванд қилиш учун уч-беш кўзли қаламча олинади. Сўнгра қаламчанинг пастки томони пона шаклида қилиб йўнилади. Понанинг бир томонидаги пўстлоғи учбурчак шаклида бўлиб қолади. Сўнгра қаламча пўстлоғини ташқарига қаратиб (қаламча пўстлоғини занг пўстлоғига рўпара келтириб) бояги ёриққа

ўрнатилади. Одатда иккита қаламча ўрнатилади (6-расм). Бунда қаламчаларни икки хил тоқ навидан олиш



6 -расм. Токни искана пайвандлаш

мумкин. Қаламчаларни ўрнатиб бўлгандан сўнг ёғоч пона суғуриб олинади ва занг қаламчаларни қаттиқ қисиб қолади. Сўнгра зангнинг пайванд қилинган жойи каноп билан маҳкам бойланади ва усти сувалиб, кейин 2—3 см қаллигида тупроққа кўмилади. Тупроқ кейинчалик доимо

юмшатиб турилиши керак. Илдиздан чиққан бачкилар ўз вақтида йўқотиб турилади. Пайванднинг муваффақиятли бўлиши, унинг муддатига ва қандай парвариш қилинишига боғлиқ.

ЕШ ТОКЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Янги ўтқазилган токларни парвариш қилиш—уларни суғориб, тупроғини чопиб ва ўғитлаб туришдан иборат. Бу чораларни яхши сифатли қилиб ўтказиш ва токларга тўғри шакл бериш билангина токларнинг тезроқ ҳосилга киришига эришиш мумкин.

Янги ўтқазилган токларни биринчи йили 12—15 марта суғорилади. Биринчи сув токларга тоқ ўтқазилган заҳоти берилади. Кейинчалик тоқ апрель ойида — уч марта, май, июнь, июль ва август ойларида — икки мартадан ва сентябрь ойида — бир марта суғорилади. Сершағал ерларда тоқлар 16—18 мартагача суғорилади.

Иккинчи йили тоқлар ёзда 7—8 марта ва қишда 1—2 марта суғорилади. Уларни апрель ва май ойларида — бир мартадан, июнь ва июль ойларида — икки мартадан, август ва сентябрда — бир мартадан суғориш керак.

Учинчи йили тоқзор 5—6 марта суғорилади май ойида бир марта, июнь ойида — бир марта, июль ойида — икки марта, август ойида — бир марта ва сентябрь бошларида — бир марта суғорилади. Тоқзор қаторларнинг

икки тарафидан қазилган ариқчадан суғорилади. Ҳар суғоришдан кейин чопилади.

Кўчат ўтқазилгандан кейин дастлабки йилларда ток қатор ораларига сабзавот экилади.

Ер серунум бўлиб, томорқа тупроғи ағдариб чопилган бўлса, биринчи йиллари ўғит солинмайди.

Ер унумсиз бўлиб, бунинг устига ағдариб чопилмаган бўлса, биринчи йили июнь ойида ҳар квадрат метр ерга 20—25 г аммиак селитра, 15—18 грамм суперфосфат солинади. Ўғит ўсимлик атрофига сепилиб чопишда тупроққа кўмилади. Кузда қатор оралари чуқур ағдариб чопиш олдида ҳар квадрат метрга 3—4 кг гўнг солинади.

Токлар кузда (октябрь ойининг ўрталарида) устига 20—25 см қалинликда тупроқ ташлаб кўмилади ва қатор оралари 18—20 см чуқурликда ағдариб чопилади.

Бир йиллик токларни қишда кесмасдан кўмиш керак, чунки кесилмасдан кўмилган новдалар совуққа чидамли бўлади. Уларни эрта баҳорда кесиш керак. Иккинчи йили баҳорнинг эрта ёки кеч келишига қараб, токлар март ойининг охирларида ёки апрель ойининг бошларида очилади. Очиш вақтида куртакларнинг зарарланмаслиги учун ҳаракат қилиш керак. Токларни очиб бўлгандан сўнг, қатор оралари 20—25 см ва туп оралари 18—20 см чуқурликда юмшатилади.

С и м б а ф а з қ и л и ш. Токларни экилганидан кейин учинчи йили уларга симбағаз қилинади. Бунинг учун ток қаторлари бўйлаб устун ва қозиқлар ўрнатилиб, уларга сим тортилади. Ток қаторларининг икки четига ва ўртасига йўғонлиги 10—12 см ли устун кўмилади. Уларнинг орасига (ҳар 7—8 м. жойга) биттадан, йўғонлиги 6—8 см ли ёғоч кўмилади. Тик симбағаз ўрнатилганда ёғоч ва устунларнинг баландлиги 3—3,5 м қилиб олинади. Устунларни ерга кўмишдан олдин пўстлоғи тозаланади. Устунларнинг ерга кўмиладиган томони чиримаслиги учун 5—6 процентли тўтиё эритмаси солинган бочкага икки — уч кун ботириб қўйилади ёки унга тошкўмир смоласи суртилади ва ёки бир қават тол қоғози билан ўраб кўмилади.

Юқорида кўрсатилган тадбирларни қилишнинг иложи бўлмаганда устун ва ёғочнинг кўмиладиган томони куйдирилади. Устун ва ёғоч тагининг ер юзасидан 15—20 см баландроқ турадиган жойигача куйдирилиши керак.

Устун ва ёғочларни кўмиш учун чуқурлиги 60—70 см ли чуқур қазилади.

Устунлар мустаҳкам туриши учун ички томонидан қия қилиб тирговуч қўйилади. Тирговучларнинг пастки учи тошга тираб, юқориги учи эса устуннинг бир метр баландликдаги кертилган жойига қадаб қўйилади.

Устунларни ўриатиб бўлгандан кейин сим тортилади. Сим таранг қилиб тортилмаса, ток тупларининг оғирлигидан халқоб бўлиб қолади. Четдаги устунларга сим айлантириб боғланади, ўртадагиларига бўлса миҳ билан қоқиб қўйилади. Бағазга йўғонлиги 2—3 мм ли сим ишлатилади. Ҳар 100 метр симбағазга 10 кг сим сарф бўлади. Тик симбағаз қилинганда сим 4 қатор қилиб тортилади. Симнинг биринчи қатори ердан 40—50 см, иккинчиси биринчисидан 40—50 см, учинчиси иккинчисидан — 50—60 см ва тўртинчиси учинчисидан 40—50 см баландликда бўлади.

Қалпоқли симбағаз усулида икки қатор сим тортилади, қалпоғига эса икки-уч қатор сим тортилади. Бунинг учун биринчи қатор устунларидан иккинчи қатор устунлари устига йўғонлиги 6—8 см ли рейка (ёғоч-тахта) қоқилади. Рейкаларни қия қилиб, яъни бир учини биринчи қатордаги устуннинг 2 м баландликдаги жойига ва иккинчи учини иккинчи қатордаги устуннинг учига қоқилади. Уларнинг устига ҳам бир-биридан 50—70 см узоқликда қилиб икки-уч қатор сим тортилади. Мана шу тортилган сим худди қалпоққа ўхшаб туради. Одатда беш-олти йиллик тоқлар қалпоқли симбағазларга кўтарилади. Қалпоқли симбағазларда тик устунларга тортилаган биринчи қатор сим ердан 100 см баландликда, иккинчиси биринчисидан 80 см баландликда қилиб тортилади.

ҲОСИЛГА КИРГАН ТОҚЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Токзорда баҳорги ишлар даставвал ишком ва симбағазларни ремонт қилишдан бошланади. Қийшайиб қолган устунлар тўғриланади, салқа симлар тортилади. Чиринган ишком поялари янгилари билан алмаштирилади.

Баҳорда тоқларни очиш. Тоқларни жуда эрта очиш, шунингдек кеч очиш ҳам ярамайди. Кенкиб очилганда уларнинг куртаклари очиш вақтида тез синиб тушиб кетади. Шунинг учун тоқларни Тошкент области шароитида апрель ойининг бошларида икки-уч кун ичида

очиш керак. Агар баҳор совуқроқ келса уларни беш-олти кун кейин очиш мумкин. Очилган тоқларни дарҳол кўтариб бойлаш керак. Чунки ҳаво совуган тақдирда биринчи навбатда ерда ётган тоқларни совуқ уради.

Тоқларни очишда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Тоқнинг устидаги тупроқни кетмон билан авайлаб суриш керак.

Ток йил сайин кўмила берганидан, устма-уст ташланаётган тупроқ зангнинг бўғзини кўмиб юбориши мумкин. Натижада зангнинг бўғзидан патак илдизлар кўп чиқиб, унинг ҳосилини камайтириб юбориши мумкин. Шунинг учун тоқни очганда бу патак илдизлар кесиб ташланади.

Бардига ўралган тоқларни баҳор шаронитига қараб кечроқ очиш мумкин. Бардиларни яхшиси иккига бўлиб, аввал бир қисмини, кейин совуқ ўтгандан кейин, қолган қисмини очиш керак. Бардилар қуритилиб, сўнгра тоқзордан олиб чиқиб кетилади.

Совуқ тушиш хавфи бўлса, кўтариб бойлаб қўйилган тоқларнинг усти қоғоз, газета, похол ёки бўйра-бордонлар билан ёпиб қўйилади. Кўкарган новдаларни ёки бўртиб чиққан куртақларни синдириб юбормаслик учун уларни жуда эҳтиётлик билан ёпиш керак. Тоқларнинг усти эрталаб офтоб чиққандан икки-уч соат кейин очилади.

Тоқ з о р н и и ш л а ш. Кузда қатор оралари 25—30 см чуқурликда чопиб қўйилади. Баҳорда тоқларни очгунга қадар ер қуриши билан қатор оралари юмшатиб қўйилади. Ёзда ҳар суғоришдан кейин ҳам ариқлар ва қатор оралари юмшатиб турилади. Қатордаги туп оралари ҳам ёввойи ўтларнинг пайдо бўлишига қараб икки-уч марта чопилади.

Н о в д а л а р н и б оғ л а ш. Очилган тоқ новдалар бағазга кўтариб боғланади. Буни «қуруқ» боғлаш дейилади.

Қуруқ боғлаш пайтида новдалар бағазга таралади. Уларнинг бир жойга ғуж ёки сийрак жойланишига йўл қўйилмайди.

Бир йиллик новдалар кўндаланг ёки сал қияроқ қилиб боғланади. Уларни ҳеч вақт тикка қилиб боғламаслик керак, акс ҳолда устки куртақлардан чиққан новдалар ғовлаб, пастки куртақлардан чиққанлари эса нимжон бўлиб қолади.

Х о м т о қ қ и л и ш. Баҳорда янги ўсиб чиққан новдалар 10—15 см бўлганда, улардаги шўралар аниқ кўриниб қолади. Бу даврда ортиқча новдалар олиб таш-

ланади. Бу иш қанча эрта тамомланса, ток тупи учун шунча яхши, ҳар ҳолда бу иш ток гуллаганга қадар тамомланиши керак.

Хомток қилишда нимжон, ҳосил қилмайдиган новдалар олиб ташланади. Бундан ташқари асосий токдан чиққан бачкиларнинг ҳаммаси йўқотилади, бунда фақат кекса зангнинг ўрнига қолдиришга мўлжалланганлари қолдирилади. Шунингдек битта бўғимдан 2 та ёки 3 та бўлиб ўсиб чиққан лекин ҳосил бўлмаган новдаларнинг ҳам биттаси қолдирилади.

Хомток қилиш ўтган йилги кузги ток кесишнинг давоми ҳисобланиб, бунда токнинг яхши ўсиши учун қулай шароит яратилади. Хомток қилишнинг кечикиши, кейинчалик кесиб ташланадиган кераксиз новдаларга озиқ моддаларнинг бекорга сарф бўлишига сабаб бўлади.

Кўк новдаларни боғлаш. Янги ўсиб чиққан кўк новдалар ўсганидан кейин тартибсиз жойлашади ва шамол бўлганда синиб тушади. Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун ёш новдалар биринчи марта май ойининг биринчи ярмида (новдалар 40—50 см га етганда) устки симга тараб боғланади. Ток гуллаб бўлгандан сўнг улар иккинчи марта боғланади. Боғич чиптанинг юмшоқ бўлиши учун бир неча соат сувда ивитиб қўйилади. Новдаларни сим қириб юбормаслиги учун чипта бўйроқ, яъни чиптани сим билан новда орасидан ўтказиб, саккиз рақами шаклида боғланади.

Бачки новдаларни кесиш. Қулай шароитда ёш новдаларнинг барг қўлтиғидаги куртаклардан бачки новдалар ўсиб чиқиши мумкин. Бачки новдалар токни соялагани, озиқ моддаларни кўп олгани учун улар тезда кесиб ташланади. Бачки новдалар одатда ҳосил новдалар кам қолдирилган токларда кўпроқ ўсиб, керакли ҳосил новдаларнинг пишмасдан қолишига сабаб бўлади.

Бачки новдалар остидаги асосий куртакларга зарар етказмаслик учун бачки новдалар иккинчи-учинчи баргиси устидан кесилади.

Ток тўғри кесилса ва унда новда ҳамда куртак етарли миқдорда қолдирилса, бачки новдалар кўпайиб кетмайди. Бачки новдалар икки марта — эрта баҳорда ва иккинчи марта (Ҳусайни, Каттақўрғон каби кўп барг ёзадиган токларни) июль ойида кесилади (хомток қилинади).

Токни сунъий чанглатиш. Ток кўп узум қилиши учун улар сунъий чангланади, натижада ҳосили анча ошади ва узум бошлари катта, салмоқли бўлади.

Сунъий чанглашнинг энг оддий ҳамма жойда қўлланиш учун қулай бўлган усулларидан бири, пўстак тахтакач ёрдами билан чанглашдир. Бунинг учун ҳар бири 1 см қалинликдаги ва 12×8 см кенгликдаги иккита тахтача ясалади, дастасининг узунлиги 8—10 см бўлади. Тахтачаларга қуён териси жунли томони устга қилиб қопланади (терининг четлари тахтакачга майда мих билан қоқилади). Тахтакачга қоқишдан олдин қуён терисидаги жирни (кирини) кетказиш учун уни иссик сувда совунлаб ювилади.

Чанглаш учун олдин оталиги ва оналиги нормал ишлайдиган гул чанги тахтакачга йиғиб олинади. Бу иш қуйидагича бажарилади: гуллаб турган шўра ҳалиги иккита тахтакач орасидан силаб ўтказилади. Бунда гулнинг оталик чанги тахтакачдаги пўстакка йиғилиб қолади. Гул чангини бир гал йиғишда 15—20 шўранинг чанги олинади.

Баъзан чанг қоғоз халтачага ҳам йиғилади. Бунинг учун қоғоз халтачани шўранинг тагига тутиб туриб шўра силкитилади. Сўнгра чанг тахтакачга туширилади. Тахтакачга бир гал йиғиб олинган чанг билан 30—40 шўрани чанглатиш мумкин.

Сунъий чанглатишни ток гулларининг тахминан 50—60 проценти очилган пайтда, эрталабки соатларда ўтказилиши керак. Токнинг яхши чангланиши учун ҳар бир шўра тахтакач орасидан икки марта ўтказилади.

Чеканка. Август ойига бориб тоқлар бағазлардан ошиб тушади ва узум бошларини соялаб қўяди. Сояда қолган узумларни увчалик шираси бўлмайди. Шунинг учун август ойининг иккинчи ярмида новданинг энг устки симдан ошиб турган учи кесиб ташланади. Буни чеканка деб аталади. Чеканка вақтида новдаларнинг учдан бир ёки тўртдан бир қисми кесилади. Айниқса ер ости сувлари юза жойлашган ердаги кучли ўсган ток тупларини, шунингдек ҳосили майиз қилинадиган тоқларни чеканка қилиш керак. Новдалари нимжон ўсган тоқлар чеканка қилинмайди.

Ҳосилга кирган тоқларни суғориш. Ҳосилга кирган тоқларни неча марта суғориш керакли-

ги, тоқзор жойлашган ернинг хусусиятига боғлиқ. Ер ости сувлари чуқур жойлашган ерлардаги тоқлар тўрт беш марта суғорилади. Биринчи суғориш апрель ойининг охирларида ёки май ойининг бошларида, иккинчи суғориш гуллаб бўлгандан кейин, учинчи суғориш июнь ойининг иккинчи ярмида, тўртинчи суғориш июль ойида ва бешинчи суғориш август ойида ўтказилади. Баҳор сернам келса, тоқ апрель ойида суғорилмайди.

Шағалли ерлардаги тоқзор 10—12 мартагача суғорилади. Ер ости сувлари жуда юза жойлашган ердаги тоқзорга бир-икки марта сув берилади ёки мутлақо суғорилмайди.

Намни кўпроқ сақлаб қолиш учун ҳар суғоришдан кейин тупроқ юмшатиб турилади. Сувни ташиб суғоришда ҳар туп тагига 10—15 челақ сув қўйилади.

Тоқзорга қишда яхоб суғориш бериш ҳам жуда фойдали бўлади. Чунки улар тупроқда нам запасини оширади ва ёзда тоқнинг сувга бўлган талабини камайтиради. Яхоб суғориш ноябрь-декабрь ойларида ўтказилиб, бунда сув қатор ораларига бостириб берилади. Ер ости сувлари чуқур бўлган тоқзорларга яхоб суғориши берилмайди.

Ўғитлаш. Ўғитлаш тоқ ҳосилини оширибгина қолмай, узум сифатини ҳам яхшилайди. Тоқларни минерал ўғитлар (азот, фосфор, калий тузлари) ва органик ўғитлар, (от, қорамол, қўй ва чўчқа гўнги, халажой ахлати, гўнг шалтоғи, парранда ахлати ва бошқалар) билан ўғитлаш мумкин. Тупроққа минерал ва органик ўғитларни бирга қўшиб солганда ва тоқ ёзда ўсув даврида ўғитланганда ундан энг кўп ҳосил олиш мумкин.

Тоқзорга ўғитлар қўйидаги нормада солиниши керак: кузда ерни шудгорлаш вақтида ҳар квадрат метрга 50 г суперфосфат, 6—9 г калий хлорид тузи ва баҳорда тоқларни очмасдан олдин ерни юмшатиш вақтида ҳар квадрат метрга 35—50 г аммиак селитра ёки 60 г дан аммоний сульфат солинади.

Агар суперфосфат билан калий хлорид кузда солинмаган бўлса, улар баҳорда азотли ўғитлар билан бирга солинади. Магазинларда сотиладиган ўғит аралашмасидан ҳар 15 квадрат метр жойга 1—1,5 кг солиш ҳам мумкин.

Баҳорда ва ёзда тоқлар икки марта ўғитланади: биринчи марта гуллашидан 10—15 кун илгари, бунда ҳар

квадрат метр ерга 17—20 г аммиак селитра ёки 30 г аммоний сульфат, 25 г суперфосфат ва 3—4 г калий хлорид солинади. Токлар гуллагандан 10—20 кун кейин иккинчи марта ўғитланади: бунда ҳар квадрат метр ерга 25 г суперфосфат ва 3—4 г дан калий хлорид солинади. Ток суст ўсса яна қўшимча равишда 17—20 г аммиак селитра солинади. Ҳар икки-уч йилда ҳар квадрат метр ерга 5—6 кг дан органик ўғитлар (гўнг, компост) солиб турилади. Кузда ағдариб чопиш вақтида гўнг ток қатор ораларига сочиб юборилади. Агар минерал ўғитлар бўлмаса, уларнинг ўрнига ҳам органик ўғитлар солинади. Бунда йил оралатиб ҳар квадрат метр ерга 3—4 кг гўнг солиб турилади. Бундан ташқари ҳар йили бир квадрат метр ерга 0,5 кг гўнг шарват қилиб берилади. Шунингдек, бир ҳисса гўнг шалтоғига икки-уч ҳисса сув қўшиб, бир ҳисса мол сийдигига беш ҳисса сув қўшиб, бир ҳисса халажой ахлатига саккиз ҳисса сув қўшиб, бир ҳисса парранда ахлатига 12 ҳисса сув қўшиб берилади. Бу кўрсатилган ўғитларни ўз ҳолича, яъни сув аралаштирмай солиш мумкин эмас, чунки ўсимликни сарғайтириб, баргларини тўктириб юборади.

Ўғитлар қатор ораларининг ўртасидаги 30—35 см чуқурликда қазилган ариқларга ёки ҳар квадрат метрга иккитадан қазилган чуқурларга солинади. Улар шимиллиб кетгандан кейин ариқча ва чуқурчалар тупроқ билан кўмилади.

Ўсув даврида органик ўғитлар ток гуллашидан 10—15 кун илгари берилади. Ўғитни бундан кеч бериш токнинг ўсишини узоққа чўзиб юборади, натижада новда ва куртаклар пишмасдан қолади.

Токзор ўз вақтида суғорилиб ва юмшатиб турганда, шунингдек новдаларини кўтариб бойлаш, кесиш, хомток қилиш ишлари тўғри ўтказилгандагина солинган ўғитнинг фойдаси катта бўлади. Бу қондаларга риоя қилинмаганда токларда ортиқча новдалар кўпайиб ҳосил эса камайиб кетади.

Органик ўғитларни энг яхшиси кузда солиш керак, чунки у қиши билан тупроқ остида ётиб, чириндига айланади. Гўнг солиниши билан дарҳол тупроққа кўмилиши керак, акс ҳолда у қуриб сифатини йўқотиб қўяди.

Ризамат Мусамухамедов минерал ўғитлар бўлмаганда семиз тупроқли ерларга йил оралатиб ва озгин ерларга йил сайин ҳар туп ток остига кузда ҳайдаш

вақтида уч-тўрт челақ чириган гўнг солишини тавсия этади. Бундан ташқари у, баҳордаги биринчи сувни гўнг аралаштириб, шарват қилиб беришни, шунингдек девор тупроғи ёки ариқ лойқасидан фойдаланишни ҳам тавсия қилади. Бунинг учун ток тупидан тахминан 1 м қочириб 30 см чуқурликда чуқур қавланади, шу жойга девор тупроғи ёки ариқ лойқаси келтириб солинади. Бу ишни кузда бажариш керак.

У з у м н и у з и ш. Узумни узиш вақти, унинг навига ва ҳосилининг нима учун ишлатилишига боғлиқ бўлади.

Қишга сақлаб қўйиладиган узумларни узишда ғужумларининг устидаги ғуборни артиб юбормасликка ҳаракат қилиш керак. Узумни узиш учун унинг бошини бандидан ушлаб қайчи билан кесилади.

ТОК КЕСИШ

Ўзбекистонда кўпинча токлар кўп зангли қилиб елпуғичсимон тараб, ўстирилади. Бу шаклда таралган токларнинг танаси бўлмасдан, балки илдиздан тўғридан-тўғри чиққан тўртта-олтита занги бўлади. Бу зангларда ўз навбатида кўп йиллик новдалар — ҳосил новдалар бўлади. Бу усулда шаклланган токларни қишда кўмиш осон бўлади.

Токлар ўтқазилгандан бошлаб унга маълум шакл берилади. Агар ток кўчатида иккита новда бўлса, уларнинг ҳар бирида иккитадан куртак қолдириб кесилади. Агар битта новда бўлса, барибир иккита куртак қолдириб кесилади. Келгуси йили ўсиб чиққан новдалардан иккита-тўртта бақувватлари танланиб, улардан занг ҳосил қилиш учун 1 метрдан қилиб кесилади. Қолган новдалари тагидан кесиб ташланади. Қолдирилган новдалар симбағазларга боғланади.

Ёзда куртаклардан кўк новдалар ўсиб чиқади. Кузда худди биринчи йилдагидек новдалар кесмасдан кўмилади. Учинчи йили баҳорда барг ёза бошлагандан кейин ўтган йили ўсиб чиққан новдалардан ҳосил новдалари ва ўринбосар новдалар қолдириб кесилади. Кесиш вақтида биринчи навбатда ҳамма яхши пишмаган ва нимжон бўлиб ўсган новдалар кесиб ташланади.

Кесиш вақтида новдаларни кўпроқ ва узунроқ қилиб қолдириш ҳамда баҳорда (ток барг чиқаргандан кейин) хомток қилишда уларнинг кераксиз ҳамма нов-

даларини кесиб ташлаш керак. Ток тупини кучсизлан-тирмаслик учун, ҳамма кераксиз новдалар ток гуллагу-га қадар кесиб ташланиши керак.

Кесиш вақтида ток нави, унинг ўсиш кучи, агротех-никаси ва унга тўғри шакл бериш кераклиги ҳисобга олинади. Новдалар токнинг навиға ва унинг ўсиш кучи-га қараб узун ёки калтароқ қилиб кесилади.

2-жа д в а л

Айрим ток навларини кесганда қолдириладиган новдаларнинг тахминий узунлиги

Навлар	Токнинг ўсиш кучига қараб ҳар новдада қолдирилган куртак сони		
	кучсиз ўсган токда	ўргача ўсган токда	кучли ўсган токда
Ҳусайни	8—10	10—15	15—20
Чарос	8—10	9—12	12—15
Каттақўрғон	8—10	9—12	15—17
Тоифи	7—9	9—12	12—15
Нимранг	7—9	9—12	15—20
Оқ кишмиш	7—9	8—12	15—20
Қора кишмиш	8—10	10—12	15—20
Баян ширей (тоғ узум)	6—8	8—10	10—15
Мускатлар	5—6	6—8	9—12

Бу жадвалда берилган маълумотлар тахминийдир, чунки ҳар бир ток тупида турлича катталиқда ўсган новдаларни учратиш мумкин. Ток кесишда яхши пиш-ган, соғлом, бўғим оралиги калта новдалардан қолди-рилади.

Қишда қўмиладиган тоқлар одатда икки марта — кузда кўмиш олдида ва баҳорда очгандан кейин (майда) кесилади. Кузда кесишда, қишда куртакларни совуқ уриши мумкинлигини ҳисобга олиб куртаклар кўпроқ қолдирилади, баҳорда (ток барг ёзганда) совуқ урган, қуриган, синган новдалар ва зарарланган занг-лар калтароқ қилиб ёки батамом кесилади.

Асосий занглар йилдан йилга узунлашиб ва йўғон-лашиб боради. Уларнинг узун бўлиб кетиши ҳосилни камайтириб юборади; йўғон зангларни эса кўмиш анча қийинроқ бўлади. Шунинг учун ҳар тўрт-беш йилда қари занглар янгилари билан алмаштириб турилади. Агар

қари занглар ўринбосар новдалар тайёрланмасдан кесиб ташланса, ток тупи бир-икки йил ҳосилни кам беради.

Қари зангни алмаштириш учун ток тупининг энг пастидан чиққан бақувват новда танлаб олинади ва уни 10—12 куртак қолдириб кесилади.

Агар токнинг бақувват новдаси бўлмаса, нимжон новдасини иккита куртак қолдириб кесилади. Бу куртакдан келгуси йили бақувват новда ўсиб чиқиб ундан ўринбосар занг тайёрланади.

Ҳосилга кирган токларни кесиш. Елпуғичсимон тараб ўстирилиб ҳосилга кирган ток тупларида тўрт-беш новда ва икки-тўрт ўринбосар новда қолдирилади. Тўрт йиллик ток тупларида олтига ҳосил новда ва тўртта ўринбосар новда қолдирилади. Келгусида ток тупининг ҳамма зангларида шунчадан новда қолдирила берилади. Тўла ҳосилга кирган токларнинг тупида 1,5 м узунликда тўртта асосий занг бўлиши мумкин. Ҳар бир асосий зангда 8 дан 10 гача ҳосил новдалари ва тўртта-олтига ўринбосар новдалар бўлади. Соҳибкор токчилар ҳар тупда чор (тўрт) занғу чил (40) маданг (новда) бўлиши керак дейдилар.

Токлар қуйидаги шаклда кесилади (7-расм): энг устки новдада 18—20 та куртак (а), ундан пастроқдагиларида 16—18 куртак (б), ундан ҳам пастроқдагиларида 14—16 куртак (в), яна пастки новдаларида 12—14 куртак (г), 10—12 куртак (д), 6—8 куртак (е), ва 4—6 куртак (ж) қолдирилиб кесилади. Ҳосил новдаларининг ораларида ўринбосар новдалар (1, 2, 3, 4) жойлашган бўлади.

Энг устки новда ҳаммасидан узун қилиб қолдириб кесилади. Бу новда асосий новда бўлиб, симбағаз қалпоғида ва ишком устида ётиқ ҳолда жойлашади ва бошқа новдаларга қараганда 3 кг, ҳатто ундан ҳам ошириб қўшимча ҳосил беради.


Юқорида кўрсатилган усулда шаклланган ток занги иккинчи йили қуйидаги тартибда кесилади: а) новдаси батамом кесиб ташланади. Ўринбосар новдадан эса асосий новда ҳосил қилинади; б) новдасини калта қилиб кесиб, ўринбосар новдага айлантирилади; в, г, д, ж новдаларини ҳам кесиб ҳосил новдаларига ёки ўринбо-

сар новдаларга айлантрилади. Учинчи йили катта ўринбосар новда ва асосий зангнинг бир қисми (б) новдасига етказиб кесиб ташланади, сўнгра (б) новдасидан яна янги асосий новда ҳосил қилинади. Қолган новдалар эса юқорида айтиб ўтилган тартибда кесилади.

Устки новдани ҳар йили кесиб туриш ток тупининг бирдек баландликда туришига имконият беради.

Токда бўғим оралиги турлича катталиқда бўлган новдалар учрайди. Ризамат Мусамуҳамедовнинг фикрича, бўғим оралиги узун бўлган новдалар одатда ҳосил бермайди. Уларни батамом кесиб ташлаш ёки калта қилиб кесиб ўринбосар новдага айлантриш керак. Баъзан новдаларнинг бўғим оралиги аввал калта бўлиб, кейинчалик эса узайиб кетади.

Бундай новдаларни калта бўғимли жойини қолдириб, узун бўғимли жойи кесиб ташланади.



7-расм. Ризамат Мусамуҳамедов таклифича ток кесиш схемаси

ТОКНИ ҚИШГА КЎМИШ

Токни кесиш ва кўмиш ишларини совуқ тушишга қадар тамомлаш керак. Ўзбекистонда совуқ асосан ноябрь ойида тушгани учун токларни энг камида биринчи ноябргача кўмиб бўлиш керак. Ток қишда тупроқ, қиёқ-барди билан кўмилади. Лекин тупроқ билан кўмишга қараганда барди билан кўмиш яхшироқ бўлади.

Токларни барди билан кўмишда ток новдалари боғ қилиб боғланади ва уларнинг учи кўтарилиб кетмаслиги учун қозиққа ёки ишком поясига боғлаб қўйилади. Сўнгра устидан 10—15 см қалинликда барди ёпилади. Барди ток тупларига кўндаланг қилиб ёпилиб, уларни шамол учуриб кетмаслиги учун устидан кесак бостириб қўйилади.

Токлар тупроққа ҳам кўмилади. Токни кўмишдан олдин суғорилади. Сўнгра ток тупларини ёнига саёзроқ чуқур қазилиб, унга айрим занг ва новдалар (ўсган томонига қаратиб) ўша чуқурга ётқизилади ҳамда устидан катта кесаклар билан бостириб қўйилади. Кейин устига юмшоқ тупроқ ташланади.

Токларни яхшилаб кўмиш керак. Токларни пала-партиш кўмиш, масалан, серкесак тупроқ билан кўмиш, кесак ораларининг очилиб қолиши, тупроқ билан юпқа ёпиш, йўғон зангларни очиқ қолдириш токларни совуқ уришига сабаб бўлади.

Ток устидаги тупроқ қалинлиги Ўзбекистоннинг жанубий районларида 20 см дан ва шимолий районларида 25—30 см дан кам бўлмаслиги керак.

Биринчи ёмғирдан кейин токларнинг қандай кўмилганлигини текшириб чиқиш ва унинг чўккан ерларига тупроқ солиб чиқиш керак. Кўмилган токларнинг устига қорларни кўпроқ уйиб қўйишга ҳаракат қилиш керак, чунки қор токни совуқ уришдан сақлайди ва баҳорда бу ток туплари кеч кўкаради.

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРДА КЎП УЧРАЙДИГАН ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАР

Қонбит — бу ҳашарот олма дарахтининг шохлари танаси ва илдизларида тўда-тўда бўлиб яшайди. Булар қанотли ва қанотсиз бўлади. Қанотсизининг усти оқ мумсимон ғубор билан қопланган, шунинг учун бу ҳашаротлар жойлашиб олган дарахт шохларида қорга ўхшаш парча-парча оқ доғлар кўринади. Бу зараркунандани йўқ қилиш учун дарахт илдиз бўғизи тупроғининг ҳар квадратига 60—80 гр гексахлоран кукуни чангланиб чопиб тупроқ аралаштирилади.

Барг бити майда сўрувчи ҳашарот бўлиб баргларда ва новдаларнинг учларида тўп-тўп бўлиб яшайди. Ўзбекистонда ўсадиган ҳамма мева дарахтларига барг битининг қандай бўлса ҳам бир хили тушади. Бу ҳашарот сўрган дарахт нимжон бўлиб қолади.

Барг битини йўқотиш учун дарахтларга қуйидаги дорилардан бири пуркалади:

1) 10 л сувга 15 г анабазин сульфат ёки никотин сульфат ва 20 г совун қўшиб тайёрланган дори;

2) 100 г тамаки, кукуни ёки махоркага 1 л сув қўшиб бир сутка қўйилади. Дарахтга пуркаш учун бу дорининг (ярим стакан) олиб сузғичдан ўтказилганидан 100 г бир литр сувга қўшилади ва бунга 4 г (бир чой қошиқ) совун аралаштирилади. Пуркайдиган махсус аппарат бўлмаган тақдирда, оддий пуркагич (пульверизатор)дан пуркаш, ёки бўёқ чўткасини дорига ботириб дарахтнинг барг ва шохларини ювиш йўли билан ҳашаротлар йўқотилади. Барг битларининг пайдо бўлиши тўхтагунча дарахтлар ҳар уч-тўрт кунда бир марта дориланади.

Олма қуртлари асосан мева дарахтларига белбоғлар боғлаб қўйиш йўли билан йўқотилади. Қуртлар ғумбакка айланиш учун қулай жой қидириб, шу белбоғларга тушади ва бундан уларни териб олиб, йўқ қилиш осон бўлади. Белбоғлар эски қоплардан қилинади. Ҳар бир белбоғнинг кенглиги 20 сантиметрдан кам бўлмаслиги керак. Белбоғ дарахт танасига ва йўғон шохининг пастки томонига ўраб каноп ип боғланади. Белбоғлар шу йил мева қилган дарахтларнинг ҳаммасига 20 майгача боғлаб чиқилади. Ҳосил йиғиб олингач белбоғ олиб ташланади. Белбоғлар ҳар 10 кунда бир марта дарахтдан ечиб олинади ва улардаги қуртлар ҳамда ғумбаклар эзиб йўқ қилинади.

ТОҚ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ

Раға (оидиум) — замбуруғ касаллиги бўлиб, тоқ новдалари, барг ва узумларни зарарлайди. Раға унсимон култус ғубор — замбуруғ спораларидан иборат. Касалланган гужумлар яхши ўсмайди, ёки ёрилиб сасийди.

Токларни бу касалликдан сақлаш учун уларни замбуруғ спораларини ўлдирадиган олтингугурт билан бир неча марта дорилаш керак. Баҳорда эса тоқлар гуллашга 15—20 кун қолганда ва гуллагандан кейин 15—20 кун ўтгач оҳақ ёки кўча чанги аралаштирилган олтингугурт сепилади. Бунда бир ҳисса олтингугуртга икки ҳисса оҳақ ёки кўча чанги аралаштирилади.

ди. Бу касаллик яна пайдо бўлса, 10—15 кун оралатиб шу дори билан яна бир неча марта дорилаш керак.

Тошкент, Самарқанд, Фарғона каби шаҳарларда зараркунандаларга қарши курашадиган махсус станция бўлиб, хонадонлар таклифи билан бу станция дарахтларга дори сепиб беради.

Махсус аппаратлар бўлмаганида ёш дарахтларга ва токларга дорини дока халтачаларда чанглаш мумкин, бунда дорининг халтачадан текис сепилишига эътибор қилиш керак.

Дарахтларни дорилаш учун ишлатиладиган заҳарли дорилар матлубот кооперацияси магазинларида ва сельхозснаб складларида сотилади.

Колхозчиларнинг томорқа боғларидаги дарахтларга ва токларга дори сепиш ёки пуркаш учун колхоз правлениеси дори ҳамда аппаратлар беради ва бунинг учун тегишли миқдорда ҳақ олади.

М У Н Д А Р И Ж А

	Бет
Кириш	3
Мева дарахтлари, резавор мева ва узум навларини танлаш	3
Мева дарахтларининг навлари	4
Томорқа	6
Мева боғи	9
Ёш дарахтларни парвариш қилиш	12
Ҳосилга кирган боғни парвариш қилиш	15
Қулупнай	20
Малина	21
Субтропик мевалар	22
Анорзор ва анжирзор барпо қилиш	23
Токчилик	24
Токларни кўпайтириш	26
Томорқада токзор қилиш	27
Ёш токларни парвариш қилиш	30
Ҳосилга кирган токларни парвариш қилиш	32
Ток кесиш	38
Токни қишга кўмиш	41
Боғ ва токзорларда кўп учрайдиган зараркунанда ва касал- ликлар	42
Ток зараркунандалари	43

На узбекском языке

Г. А. ДЫЛЕВСКИЙ

СОВЕТЫ САДОВОДАМ

Объединенное издательство
„Қызыл Ўзбекистан“, „Правда Востока“
и „Ўзбекистони Сурх“
Ташкент — 1958

Таржимон С. Шарофуддинов
Техн. редактор Н Копиткова.

Редактор У. Муҳамедов
Корректор С. Набиев

Теришга берилди 8/VII 1958 йил. Босишга рухсат этилди 12/VIII 1958 й.
Қоғоз формати $84 \times 108 \frac{1}{32}$. Физ. листи 1,5. Шартли босма листи 2,46.
Нашриёт ҳисоб листи 2,16. Тиражи 20500. Р07490. Нашр. № 211.
Заказ № 1040. Баҳоси 60 тийин.

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“ ва „Ўзбекистони Сурх“
бирлашган нашриёти ва босмаҳонаси. Тошкент, „Правда Востока“
кўчаси, уй 34.